



ЛИРИКА

Муҳаммадали Қўшмоқов

Али Қамбар

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ НАШРИЁТИ

Шеърлар



Ўа2
К 98

Muhammad Siddiq kutubxonasi
@Muhammad_Siddiq

Серияни расом Анатолий Бобров безаган

Қўшмоқов М.

Али Қамбар: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.—168 б.— (Лирика).

Муҳаммадали Қўшмоқов инсон сийрати ва ички дунёси хусусида фалсафий мушоҳадалар юритишга мойил шоир. У инсон ва воқелик, ўтмиш ва бугун сингари тушунчаларни уйғунлаштириб, ҳаёт моҳиятини очишга интилади.

Ушбу мажмуа шоирнинг чорак асрлик ижодининг энг сара намуналаридан таркиб топди.

Қушмаков М. Али Қамбар: Стихи.

К $\frac{4702620202-31}{M352(04)-89}$ 36-89

Ў32

ISBN 5-635-00348-6

Тун ўрмалар ойнамда секин,
Афсун ўқир ва аврар руҳим.
Ўлик кўз-ла телмурар, лекин,
Борга ўхшар дилда андуҳи.
Ўз бағрига чорлайди сассиз,
«Келгил, ўғлон, бундадир ором.
Ортиқ рашку қийнамайди ҳис,
Тинчинг бузмас на ғам, на илҳом».

У шарпасиз очар кўкрагин,
Мудроқ каби бўлар босмоқчи.
Ухлатиб шу оташ юрагим,
Бахтимни дор қилиб осмоқчи!..
Ҳайҳот, рост бу...
Ғазабим ёнар
Ва мудроқни тилкалаб ташлар.
Тун қалтирар ҳоргин, ялинар
У руҳимга сиғина бошлар...

ҒИЗ

Ғуёш ғалбдан сачраған зиё —
Юзларида шафақ лолагун.
Ғолмай офтоб ортидан, гүё-
Ўрмалайди икки ўрим тун.
Парими у, у рўёми ё,
Ё сеҳрғар, бирон алдоқчи?!
Оҳ, боққани қўймайди қиё
Кипригида ҳаёан соқчи!..

КЎР УМРИ

Майли, ўнгда бўлмаса, тушида кўрса эди —
Кўриб... ўша сочларни... бармоққа ўрса эди!

Бир бора кўз олдиға келтирса гул расмини,
Юлдуз санаса бир тун тутиб булбул расмини...

Куннинг азиз нурлари, билса: қайси рангдадир...
Куннинг азиз нурлари, билса: қайси рангдадир...

Кун кулар, ой кулади... Кун кулар, ой кулади,
Ғор босган кўзларига нур қуйилиб тўлади.
Нур қуйилиб...

тўлади...

ЛАЙЛАТУЛҚАДР

I

Ёху! Ёху!.. Хаёли оғиб,
Шабъи ялдо ортга нусди-да,
Вужудидан шуълалар ёғиб —

Зулматга гарқ олам устида
Пайдо бўлди Лайлатулқадр
Элини босиб тун уйқусида.

Кўп туйқисдан босган сир надир?
Англолмайини ҳайрон одамлар
Зўр ёғдудан кўзлар тинадир.

Сезилмайини оқади дамлар,
Учолмайди ўйлар — кишанли,
Нур сочолмай бўзарар шамлар.

Бу нурли қуш ажиб нишонли:
Бир қуёш бор ҳар бир кўзида,
Қарашидан тун норлар... қонли...

У ярқираб учган кезида,
Ақлу ҳушни торттириб хира
Эргаштириб кетар изидан.

Ўзи айтиб ўзи аксира —
«Ҳақ рост!» — деган эртакни бу он
Эсламайди одамлар сира.

Сўйлайдилар у ҳақда ҳамон:
«У учганда ушласанг неки,
Олтин бўлур худди шу замон».

Одамлар-чи, одамлар лекин
Олтинни ҳам унутиб бу кез
Телмурарлар ололмайин тин.

Шу кез... шу кез...
Титраб кетар ногоҳ бир она,
Ахтарар у неларнидир тез.

Ахтарар у, ахтарар яна

Қадим эртак тушиб эсига,
Шошиб, олтин ишқида ёна.

Шўрлик... (Уни жин урди нега?!)
Ўзи сезмай, охири... ҳайҳот,
Епишар у ўз гўдагига...

Тилла бўлар бола шу заҳот...
Энди кун йўқ жонсиз кўзига.
Мангу қолур шу кўйи, наҳот,
Қўнмас энди кулгу юзига?!

2

Қуёш кулур дунёлар аро —
Одамзод бир мушкулни,
Ўзи билмай айлаб ошкоро.

Сезармикин одамлар шунини?
Бу-ку ахир уларга аён,
Санамаслар гуноҳга буни.

Аммо айлаб бўлурми баён,
У одамни судрар қайгача,
Ва карвони манзили қаён?

Инсон бўлур қул тоқайгача,
Шу қахрабо олтин севгиси,
Султон бўлса куйи найгача?!

Чидаб бўлса, о, шунга эсиз!
Қўй, кулмагин, покиза қуёш,
Табиатнинг бокира қизи.

Чидаб бўлса?! Тугади-ку дош
Турар бола — у, ҳайкал вужуд,
Олтин бўлган ўшал азиз бош.

Юз афсуслар чекмақдан не суд,
Нур ёйилар юзида гўё,
Гўё бола кулар шу минут.

Кулур ўшал булбулигўё,
Юзлари-чи... шундай бемаъно,
Кулгулари ўзидай рўё.

Кулгин, гўдак, сен — танҳо доно,

Сен — олтинсан, не дегил майли
Сени типлар олам ягона!

Кулгин, гўдак, қадринг туфайли...
«Дунё, — дегил — шу бўлса агар,
Бошлансин-э қиёмат сайли...»

Шундай дегил, шундай де, дагар...

3

Қон йиғлайди муштипар она,
Қучоқлару сўнук гавдани,
Ювар қайғу ёши-ла яна.

Сезмас ҳайкал бу ғам — савдони,
Сезмас бола бугун ким ўзи,
О, у... олтин севгиси, шони.

Ерни тутар она қайғуси,
Бағри тутар... оҳ урган сайин,
Қораяди осмоннинг туси.

Она қақшар ўзин билмайин,
Шамоллар уйғониб оҳига,
Тентирайди ҳушсиз, тинмайин.

Қовриларми фарзанд доғига:
Булутлар ҳам онани ташлаб —
Кетолмайди қароргоҳига.

Бор аҳли юрт келар кўз ёшлаб:
«Шифо топинг, табиблар...» Мана,
Табиблар-чи, ночор тишлар лаб.

Қон йиғлайди муштипар она,
Қучоқлару сўнук гавдани,
Ювар алам ёши-ла яна.

Ҳам бўсалар у ҳиссиз танни...
Воҳ... титрайди ҳайкал вужуди,
Эриб кетар олтин кишани!

Одамлар лол ёқасин тутиб,
Ва сукунат чўкар жаҳонга,
Шунча зўрми она ғам ўти?!

Ва сукунат чўкар жаҳонга,
Сарсари ел тинар бир нафас,
Ишонмайин кулган шу жонга.

Қийқиради бола шу нафас,
Шовуллайди ҳайрона олам,
Фақат она йиғлайди бесас:

«Дунё макрин бузган, жон болам!..»

ҚАЙГА УЧДИНГ, БУЛБУЛ...

(Мақсуд Шайхзода марсиеси)

Нега жим ухлайсан, эй гофил шамол,
Ўқир, шовқиңларга кўмгил оламини,
Ўқир, мусибатдан телбалаң, дод сол!

Не гам бу? Не гам бу? Ўчиргил шамни,
Шамдан ҳам ёримас қоронгу бу тун,
Телба шамол, нурсиз қолдиргил мани!

Кўзимни қорайтди дилдаги тутун,
Қасдингни бу менинг бошимга солган,
Ё эй, бадбахт ўлим, қудратинг бутун?

Тун... «Қоп-қора ҳайкал тусини олган»...
Тунга қўшилади оқиб юрагим,
Билмайман, тонггача қанча вақт қолган.

Чинқириб, дод солиб келар сўрагим:
«Ўлдим Шайхзода, шоири замон?!»—
Чинқириб, дод солиб келар сўрагим:

Қисматда не қаро: яна бағрим қон,
Кўздаги ёшларим қуримай туриб,
Нечун мен қайтадан бошлайман афгон?

Шайх оға, айт ўзинг, сепга термулиб
Қувонар эдик-ку, ахир сиймонгда
Бир бора бой берган Ғафурни кўриб!

Қайга учдинг, булбул, сўйла бу тонгда,
Қўшигинг унутиб бизларнинг жонда?
Қайга учдинг, бизни ташлаб ҳижронда?

ГУЛЛАР АРМОНИ

Тоғам, Эркабай Қўшоқов хотираси

Қад кўтарди лола гуллар
Тик тутиб қонли бошини,
Бағри аро қора доғлар —
Қолмини сочма қўрғошини.

Ҳидлаб азия тупроқ исин,
Чайқалурлар бўлиб маст,
Шу тупроқдин ўзга нарса,
Уларга ҳеч керакмас!

Шивирлашиб улар маънос,
Шудрингдан лабини намлар:
«Курашгандик сиз учун биз...
Бахтлимисиз, одамлар!!»

Оташ ичра яхлаб дудоқ ахтарар,
Қора кечаларда раста тафаккур;
Руҳлар диёрига тикилиб қарар,
Хаёл новдасида гулгойид¹-какку:

Қумри чамаиларки, офтобрўяда,
Гули, гунчалари муҳаббатнеша.
Туманча гиёҳи толар рўёда,
Олам мижозида йўқмиш андеша.

Осмонида пойдор юлдузлар гуж-гуж,
Замини лавлиси шудрингдан сероб.
Топлари пойдордир, сўз сингари қурч,
Минг йилким, уларга гул нойи меҳроб.

Дарёнинг тимидек завоилар сокин,
Капалаклар учар раъно фаслида.
Елда соврулётган хаёллар хоки
Асли давомдордир азиз наслида.

... Руҳлар диёрига тикилиб қарар,
Хаёл новдасида гулгойид-какку;
Оташ ичра яхлаб дудоқ ахтарар,
Қора кечаларда раста тафаккур.

¹ Гулгойид — куртакнинг гулга айланаётган чоғи.

Кўк капалак бўлган куртаклар интиқ,
Қанотин ёзарлар баҳорга эркин.
Эртаклар жилмаяр шабнамлар ичра,
Эртакки, куйлайди мангулик кўркин.

Энтикиб қўяди дарахтлар огир —
Биринчи бўсадан маст бўлган қизлар.
Уйқули майсалар алаҳлар бир дам,
Бир нафас тушида юрагин излар.

Кўклам мовий оти асабий елар —
Суворий илк бора урмишдир эгар.
Боқ, унинг кифтида ўтирар қалбим...
Ва ҳаяжон ичра чуқур энтикар.

ОЙДИН ТУН

И. Крамской чиғаги суврат

Танхо ўан ўтирар гўзал,
Юзларида қайгули сурон,
Гўзалки у... Боққани маҳал --

Қотмин гўё ҳайратдан ўрмон.
Ўрмоннингми ҳайбати босиб,
Нилуфарлар титрар бедармон.

Қиз руҳида ташвиш сояси,
Ўйланади ул паричеҳра...
Балки, шеърдир бу қиз дояси?

Қўзларимга кўринар хира,
У сулувнинг оёғин ўшиб,
Тошинар ел тинч қўймай сира.

Хув, нарида майсалар тўши,
Интилишиб унинг пойига,
Титрайдилар ойдинлик сениб.

Қиз — фаромуш. Унинг ўйига,
Нелар келди, билмайман: зор у —
Йиқилгани кимнинг пойига.

Рашк ўтига ё гирифтор у?
Бир жой бўшдир ўриндиғида,
Балки, бўшдир энди у мангу?!

Кеча ойдин. Ойнинг тигида-
Совуққина йилтирайди кўл
Ва маъюслик бор қўшиғида.

У жой, наҳот, бўшаган буткул...
Бир ойдинлик... Бу қиз йўқотган,
Тушлар аро қолган тонгми ул?!

Бир ойдинлик. Қиз ўйга ботган...

Осмонда осмон йўқ, қора кўз,
Сиз билан мен бормиз, қора кўз.
Заминда замин йўқ, қора кўз,
Сиз билан мен бормиз, қора кўз.
Жаҳонда жаҳон йўқ, қора кўз,
Сиз билан мен бормиз, қора кўз.

* * *

... Ситилган ол анор сувидай
Сачрар шафақ; ситилган ол анор-
Дона янглиғ йилтирар офтоб.

Шароб ичра райҳоннинг баргидай
Қуёш ичра сузади булутлар...
Ловуллайди... о, гулгун наволар...
Элитади кўзларни... Бургутлар
Айланади қуёшнинг гирдида,
Айланади... у эса қирмизи —
Анордона... қўзғайди ҳирсини,
Ютиб олса... келсаю бир кези.
Ловуллайди қирмизи булутлар,
Азиз офтоб пилласин дамо-дам
Йигираркан субҳидам дастгоҳи
Атлас бўлиб тўқилар булут ҳам...

НИШОН

Бошида болиш бир чаноқ момикдан,
Чигит дона таққанним тумор-ди.
Болалик-ла кексалик омухта,
Тишлар аро газабий қум бор-ди.
Ота кафти ҳоври совумаган
Кетмон эди бизларнинг қўлларда.
Қон тўлиб дил ҳали увумаган,
Умидли кўз толарди йўлларда.
Тирмашганча ғўзалар тупига,
Тетапоя бўлиб кечаги кун
Юртларнинг энг мағрур, марғубига
Граждан-дик биз, болалар бугун.

Ота кафти ҳоври совумаган
Кетмон қўлга тегдию улғайдик.
«Одамлар ҳам қон ичарми?» — деган
Ука сўзи туюлди қуйгандек-
Дилимизга ақлни... Дилимиз
Ақлимиздан эди донороқ.
Дерди, сўзни салмоқлаб тилимиз:
«Биз енгамиз!» — ишониб, тортмай «оҳ».
Мурғак дилга тушса ғамдан яра,
Учраганга йиғламадик нолиб.
Ор қилдигу болишдан, ғўзага
Очдик уни, — чидолмасак, ҳоли...

Бизлар енгдик. Қайтолди қишлоққа
Фақатгина ягона жангчимиз.
Зор қақшадик шодланиб-шодланиб,
Йиғлай-йиғлай фахрландик биз.
Йўлламайин бир энли хат ҳам,
Қириб келди у бошлари қуйи.
Гўё айби омон қайтганлиги,
Туманли-ди кўздаги ўйи.

... Оқсоқол ҳаллослаб келиб қолдию,
Қучди, эркалади йигитни хуррам.
Ҳам жангчи кўксига тақиб қўйди у
Нишона пахтани шошилмай шу дам.

... Гуриллай бошлади ўчоқ олови,
Ер теппиниб қўйди жабдуқли тулпор.
Кўтарилиб кетди яна ҳам осмон,
Яна ҳам чиройли туюлди бу бор.

Тут сарғини барглари тўқаркан бир-бир,
Қамаё борарди ер узра соя...
Тишлаб кетган ноини ўғлига она —
Тутқаади... ўзи-чи, ишонмас гўё.

Жангчи эса жуда бахтиёр эди,
Кўксиди пурланар пахта нишони.
Бирдан... кўзларига соя қўйилди,
Деди, ҳалқобланиб ётаркан жони:

— Ияк таплаганда Алижон... турдим
Азиз ўртоғимнинг бошида ўзим,
Васият қилди у: «Партбилетимда...
Пахта... Бош остимга қўйинглар, Қўзи!..»

Гўё чаноқлармас — беш дона ҳилол,
Ундан-да ёруғроқ... деҳқон кўксиди.
Бу қутлуг манзара ёдимдан чиқмас,
Очилган тер, қон, оҳ... деҳқон кўксиди.

...Янада гуриллар ўчоқ олови,
Ер теппиниб кишнар жабдуқли тулпор.
Кўтарилиб кетди яна ҳам осмон,
Жудаям чиройли туюлиб бу бор.

...Мана, биз ҳам ўсиб, улғайиб қолдик
Офтоб — жангда қонга бўялган пахта —
Кўзимиз устида порлаб туради...
Бир сўз кам, икки сўз кўндир бу ҳақда.

Икки гўла сўзланиб туради,
 Икки ҳовуч ойдиндай; ярим тун.
 Кўкрагида — тошган тонг сурати...
 Дала ёрир хандасидан бутун.

— Дугонажон, тўкилманг бунчалар,
 Оқиб тушманг пойига сув бўлиб.
 — Кулмасангиз куйгандан мунчалар...-
 Биринчиси яна бир шўх кулиб:

— Дугонажон, шу ерда ўлтириб
 Тунов кунг хаёллар сурдию
 туриб — туриб
ихтиёрсиз сўзлаб юборди у:

«Қумригишам, мен сени севаман,
 Фақатгина сени, сени, сени!..»
 Шундай экан, не фойда, сиз недан
 Куйиб-куйиб сеvasиз бир жинни...-
 Иккинчиси бир титраб қўяди...
 — Ўша ўйчан, қора кўз болаинг
 Нимасини сеvasиз? — Туяди
 Бир тошқинни дилда, титраб тани
 У айтади: «Дилини севаман,
 Кафтларининг ботгувчи қадоғин!
 Афсулловчи тилини севаман!
 Ҳаммасини, севаман, дудоғин!!»
 Иккинчиси ўйланиб қолади,
 Бир энтикиб қўяди бош солиб.
 — У менинг ҳам ҳушимни олади,
 Мен ҳам уни севаман ўт олиб...-
 Давом айлар чиқармай сасини:
 — Дугонамдан сўрайман атайлаб.
 Тинчитамади дил талвасасини,
 Унгаю, ўз дилимга ўт қалаб.—
 Энтикади кучлироқ яна ҳам,
 — Мунча гўзал бўлмаса бу одам...-
 Икки гўза сўзлашиб туради,
 Икки ҳовуч ойдиндай; ярим тун.
 Кўкрагида — тошган тонг сурати...
 Дала ёрир оҳларидан бутун.

МАФКУРАВИЙ РАҒИБГА

Парчалаб ташлайман сенинг қўшиғингни.
Сенинг қўшиғингни парчалаб ташлайман.
Ва бу менинг қўлимдан келади,
Бу — менинг

қўлимдан келади!
У сачрар зарра-зарра

ва манзилга етолмай

қалби синган,

ҳаром қотган

тупроққа миҳдай

санчилган

қора ниятлардай

ётгусидир,

Бу ётиши
тупроққа азоб бера,

жиркантира,

қаттиқ ботгусидир...

Шу кўйи қолгусидир сенинг қўшиғинг.
Маҳшардан кейин-да
шу кўйи қолгусидир.

Қантар учар қанотъ қайрилиб;
Фарғонада қуюла бошлар шом.
Қуннинг келмас кетгуси айрилиб,
Қўз ёш тўниб айлар сўнг бор ачом.

Шивирлайди майсалар пинҳона,
Зилол сувлар қиқирлаб юборар.
Бугдойзорни оралаб бир она
Жаажки ўглини етаклаб тез юрар.

Бугдой эса бош урар пойига,
Ўгли каби осилар барига.
Она кулиб «қўзиси, тойига»
Бир дам тўхтар... шу замон у нега —

Силаб қўяр бошоқлар бошидан,
Нечувдир жилмаяр кўнгилдан.
Ҳар иккала фарзанди қошида
Бир нуроний тус олар у бирдан...

МОЗИЙДАН ҲИКОЯ

Чақмоқ урган қоң-қора марвартак.
Ёлғиз жонли унда увоқ повда...
Кўлмак ёмғир бослиқар тарновда...

Бир ютим сув, бир юрак нур керак.
Ёрилмоқда ташналикдап қонинг, эй повда!
Кўлмак ёмғир бослиқар тарновда...

...Тошган сочи ямлагудай кўзин;
Ўлик қарға осмишдир белбоққа.
Ёрти сопол коса киймиш у кулоҳ деб,
Майдон ҳам шай майна қилмоққа.
— Ҳей, донишманд, кияди, айтгин, ким
Бошга сопол, тагин синигини...
— Бутун кийсам, май ўйлаб бошимни
Ютиб қўйсин маст шоҳинг... Э, сени!

Куладилар. Ҳам тегишарлар
Этакка ўч шамолдай яна:
— Ошна, ие, кўкка қара,
Бор-ов пишган қизил тухум... ана!
Олгин...
— Оловур ўзинг!
Қўрқаман, тортиб олиб, еб қўяр
Туз қип сешиб тухумга мени.
— Сен туз эмас — одамсан, ол энди,
Девонага шу тухум деганман.
— Оловур сен... куяврип, туз тугул
Намакоб бўлиб кетганман...

Сўнгра, белбоғидан қаргани
Жирканиб олар қўлига.
Қора марвартакни: «Ёруғ дунё!» — дейди,
Осар қарғасини... «Бу — унга жиға!»

Қаҳ-қаҳалар синиб сочилар.
Синиқларин олиб кўзига сурар...
«Хи-хи... хи-хи...» Кулади девона,
Ҳам нариги майдонга югурар...

Бир қарға жигалик қоп-қора марвартак:
Елғиз жонли унда увоқ новда.
Кўлмак ёмғир бослиқар тарновда...

Бир ютим сув, бир юрак нур керак.
Ёрилмақда ташналикдан қонинг, эй новда!
Кўлмак ёмғир бослиқар тарновда...

ДУНЕ

— Шамолим, дарё каби тўлғонайин қўйнингда,
Шабнамлардан саратондек уйғонайин қўйнингда...

Соялардай силлиган суякларим сирқирасин,
Кўз ёшимдан кулгуларим тирқирасин!..

Офтоб ютган дудогингдай айланай,
Ёқилмаган оловдайман,
ёқ мени!..

ВАТАН ТЎҒРИСИДА

Елдиримдек,
хорижда —
Ўтди манзилма-манзил,
Ипак ўраган қуртдай
Кучсизланиб борди Дил...
Лекин бир кун шом пайти
Дўст сўзидан отди тонг:
Бу дўст қутлади уни:
— Азизим — Ўзбекистон!
Оҳ, шунча севиндики,
Бўғзига ёш тиқилди,
Чарх уриб бошидан Кун
Хок-пойига йиқилди!

ШОТЎРА

Сивизгадай яшайман, алқаб —
Шотўрамни, отамни, онамни.
Шаҳид тоғам сурати осиглиқ,
Беҳи ҳиди анқиган хонамни.

Сойим... тошга қоқиниб-қоқиниб,
Ҳорган колхоз отидай кетади.
Толлар сувларга термулиб,
«Чиқ!» — деб, гўдак ойга кифт тутади.
Сувга чиққан қизлардай, гўзалар —
Нозик, зўрға тутгандай кўзасин...
Имилламанг, жон қизлар, Она-юрт
Кутмоқдадир!..

Қизғалдоқлар минорлар гумбазин,
Олиб чиқар ерларнинг қаъридан...

Тушунгандай мағрур сукутларин,
Термулиб-термулиб қолардим.
Қуёшпеша, соҳибқалб дилларин
Қўшиғимга ўғирлаб олардим.
Сойим... ҳамон қоқиниб-қоқиниб,
Ҳорган колхоз отидай кетарди.
Толлар сув сари эгилиб,
«Чиқ!» — деб, гўдак ойга кифт тутарди...
Бунга анча бўлгандир, дўстларим,
Булар энди нурланар ўйларда.
Ўйда эса: кеча ҳам, бугун ҳам —
Ёнма-ёнди... Ёнма-ён куйларда.
Жон Фарғонам, Шотўрам, сизларни
Балки, куйлай олмасман муносиб.
Аммо: «Айт!» — деб, муштипар бир қўшиқ
Кела бошлар сочларини ёзиб,
Азиз тоғам, Эркабой Қўшоқов,
43-йил, Волга бўйида,
Диёри кўйида
Санчилди ўқ бўлиб ўлимга.
Онажоним кўзидан кўкатга
Томди ёшлар... Мен уни қўлимга,
Қафтларимга томизиб кўкатдан,
Термулганман...

У ёш ҳамон кафтимда ялтирар —
Зангор... Ҳамон остида кўк кўкат...
Нурланаркан зангори Шотўрам,
Ҳаёлимда ўша ёшдай фақат...

АЛИ ҚАМБАР

*Али Қамбар Маликов — инқилоб душманларига қарши
курашда ҳалок бўлган қизил аскар хотирасига
бағишланади*

Али Қамбар ёш эди, одамлар!
Кўнгли
дарёи азим эди,
кўнгли дарёи азим.
Али Қамбар сўзлаганда,
ер офтобга яқинлашарди...
Шафтолиларнинг барги
ханжарга айланарди,
ёв ҳақинда сўзлаганин эшитса
Али Қамбарнинг.
Ахир, улар ҳам худди сиз-биздай:
«Ватаним!...» — дейди...
Али Қамбарнинг қўллари
қўлингизга текканда
яйраб кетарди юраклар,
сайрарди.

Юлдузлар остида
Инсон бўлиб яшаётганингиз эслаб,
қувониб кетардингиз одам
қўли қўлингизни табриклайётганда
юлдуздай самимий,
нурдай мададкор.

Али Қамбарнинг қўллари
тутганда
ўроғи дастасини,
кафтининг тафти элитганда суйиб,
дарахт бўлганини эсларди у,
эсларди
бағрида тўлқинлар айқирган
томчидай қудратли

япроқларини.
Ҳам йиғлаб, ҳам суюниб эсларди
одамларга берганини
барини.
Оҳ, Али Қамбарнинг кўзлари...
боладай покиза эди,
боладай оҳанрабо.

Умидли қарашга
ўрганарди
дунёга, дунёнинг эртасига —

бу кўага қараганлар
дунёга, дунёнинг эртасига.
Туни билан тушларимга кириб чиқарди
кўалари,
Энди нетарканман
улар кирса
тушимга,
... Али Қамбар ҳам ўлди, одамлар,
Уни тувроққа бериб келдик.
Оҳ, тувроққа...
Тўрт ой бўлди бунга,
Шовиллайди табиат инил-инил,
Дарахтлар кўн очди кўн эрта
бу кўклам,
Қуртаклар
қушларнинг тумшугидай...
Ҳозир куйлаб юборар улар,
ҳозир,
Лолалар шунақа кўн ўсди бу йил,
майсалар шунақа қалин,
... Оҳ, қаранг,
қанчалар севар бизни
Али Қамбаримиз...
... Али Қамбар бошида
бир туп наргис
ўсиб чиқибди, дўстлар...
Боладай ширин наргис...
Йўқ,
одамлар — бизни,
эй ой, эй кун,
юлдузлар — Сизни
Яна бир мартагина кўрган
қабридан кўзгалипти Али Қамбар.

ИККИ ДАРЁ

1

Офтоб иси анқийди сувлардан,
Мавжлар аро ялтирар ёш изи.
Ол нурларга ўралиб тўлқинлар
лола бўлиб юксалар қирмизи.

«Ахир, уни севардим...», дер аёл.
«Ахир, уни...»
«Севардимки...»
«Севардимки, ўлдирдим?», дер беҳол.
Дарё қутуради рашк тўлиб,
Дарё ғарқ этади ашк бўлиб,
Шу дарёни босиб, устидан
Тошиб келаётган дарёдир
Сочин ёйган анов аёл ҳам...

2

— Ёши 20 да,
Кўнгли менда эди...
Сувлар
 ювошланар,
шивир бошланар
 — Эрим ўлган эди...
 болам йўқ эди.
Бошимда дуррадай ёйилган осмон
 кўк эди...

3

Бир осмон дарё
 қалтирар,
Осмонни дарё,
дарёни осмон
 жунбушга келтирар.
— ... Мен ҳам, — дедим.
Қучди.
Қучоқлатиш, қучишни
Унутмаган эканман.
Фидо бўлишни, ишқни
Унутмаган эканман.

30

Қўрқардим,
Унутганман, деб.

Икки дарё каби лаблари
Сероб этди бутун борлигим.
Икки дарё каби лабларим
фақат
гуркиратди боғин...
Гуркиратдим, хайрият,
Қўрқардим,
Чўл бўлиб кетганман, деб...

Офтоб иси анқийди сувлардан,
Мавжлар аро ялтирар ёш изи.
Ол нурларга ўралиб тўлиқинлар,
Лола бўлиб юксалар қирмизи...

4

Кемтик қиргоқ. Бир аёл ўлтирар.
Изгиб юрар гижим хаёллар.
— Севдим
сувда қалқиган долани.
қанча севса,
ютмоқни гирдоб.
Севди,
гирдобда
чўккувчи ҳар жонли
қанча севиб
осилиб қутулмоқ истаса,
пажоткор туюлиб
жилмайгувчи
офтоб.
... Икки кўз. Бир дунё. Дунё
Тўлдиролмай ҳайрон
Кўзларнинг биринда
нур билан,
аммо.

5

— Қолхоз-колхоз бошланди.
У комсомол эди.

Савр ойи-ди,
осмон
юлдуз сепарди.

Ҳали кўрарсиз,
Юлдузларнинг бодраб чиқишин...

6

— Эрим
бой эди,
ота-онам
камбағал.
Мени қулоққа қўшдилар.
у мени ҳимоя қилмади.
«Кетаверасан!» деди
дағал.

7

— Уйимга келтирдим,
ялиниб, ёлвориб.
«Ўз замоним юзига оёқ
қўя олмайман,
Сени деб...»
деди.
— Мен ахир сеники-ку,
сен десанг.
кўзимни чарх қилиб
пахта йигирайин ҳукуматга,
дедим.
Қовоғин солганча,
«Ўз замоним юзига оёқ
қўя олмайман,
Сени деб...»
деди.

8

— Мен тупроқман, — дедим,
Истасам ютаман,
Истасам, дедим,
Яшнатурман сени.
Севарди.
Ўзиники биларди.
Тан олгуси келмасди мени...

9

— Лабларини тишлаб олдим,
Кафтларини тишлаб олдим,

32

Ҳозирча у меники эди!

Йигладим.

Қучавердим маҳкамроқ,

маҳкамроқ.

«Наҳот, у энди меники бўлмаса?..»

«Наҳот, мен энди уники бўлмасам?..»

Юзини юзим-ла босдим,

Юзини кўксим-ла босдим,

Тўйгунча босавердим.

Ўнмоқчийдим юзидан,

Ўнмоқчийдим кўзидан...

10

Дунё ютилгандир кўзларга

Қолгани:

икки ташва

кўз, холос...

Дарё қутуради рашик бўлиб,

Ғарқ этади алам, ашик бўлиб.

Шу дарёни босиб, устидан —

Тошиб келаётган дарёдир

Сочин ёйган манов аёл ҳам...

ЧАНГЛАРДАН ЧАМАНЛАР

Инсонларим, Инқилоб талаб этаман
Дунё номидан:

Дунёга ҳар он Инқилоб керак,
Инқилоб берингиз!

... Эҳтирос-ла тупроқдан-да баракали

танларимизни,
тупроқдан-да ташна танларимизни,
кўзларда, сўзларда ловуллаган довулли
чаманларимизни

ой нури ой нури каби ёритсин,
ой нури ой нури каби!

Йўл каби сўнгсиз, йўл каби очилмоққа интизор,
бўй бермаган йўл қайсарлиги тантаналарида

гулдуратсин
вулқонли гулханларини мағрур тафаккуримиз
вулқонли гулханларини!

Ҳайдалган ер оҳанраболиги қуюлса кунларга

қатлам-қатлам

Марвариддай ялтирай борса кунларимиз,
Марвариддай ялтирай борса кунларимиз
ёғдуларида кечмишга тўнармиз бир дам.

Инқилоб берингиз,

Шабнамлар шовқини шавқини
ютайлик

Тўрт фаслда оламга айланган хандани,
олмаларни

инониб дилдорларга тутайлик

Инониб

отайлик.

Чангланаётган гуллар остида,

чангланиб ётайлик,

чанглардан чаманлар чарақлатайлик!

Бизлар, Ер болалари,

ақлимизни вулқонлатиб.

вулқон каби

Зафарларга қанотланиб,

умримиз самандар ётайлик,

ўзни оламга,
оламга ўзни
беркитайлик.

Улган, ушбу кун кулган, туғилмаган
гуллар,
кишанланган, кишани билмаган нурлар сурури,
бу күк, бу қушлар, бу сувлар,
ва ўзимиз —
бизники!

Уларни қонларимизда қайнатиб,
хумор кўзларимизда ўйнатиб
кашф этмоғимиз керакдур ҳали,
керакдур ҳали
бу дунё жаҳонгирлигини топсин
жонларимизда!

Инқилобсиз кунларимиз туғмас
Келажаксиз яшолмаймиз бизлар,
Чордона қуриб бемалол
ошимиз ошолмаймиз бизлар,
инсонларим,

Инқилоб талаб этаман Дунё номидан:
Инқилоб берингиз!
Ҳайдалган ер оҳанраболиги овозимизда!
нур каби тутқусиз оҳанраболик...
нур каби қутқусиз оҳанраболик...

Ҳали туғилиб курашга киргуси,
Оламни тўлдиргуси ҳуснлар,
умидлар, ақл алангалари.
ҳаммаси — бизда!

Ҳайдалган ер оҳанраболиги овозимизда!
Э-ҳа, ҳали суюкли навбахорлар келадур,
Умид каби қуюнли қанча торлар келадур,
келадур.

Инқилобсиз кунларимиз туғмас,
Инқилоб берингиз!
Мозорларда ўликлар суқланиб ётсинлар
кунларимизга.

Уйғонмасин ўликлар ворислардан норизо
Нур нимадир унутган кўзлар,
бизга, чақноқ кўзликларга,
нурни ўргатмасин.
Бош чаноқлари беадад, беадад...

Фақат
биздан, машъалали ақллардан
бўлиб норизо
инқилоб ҳикматларин
талқин этмасин!

Ўликлар исёни қамрамасин оламимизни
Суқланиб кунларимизга тинч ётсин улар
қабрларида.

Инқилоб берингиз, унутмайлик,
хайдалган ер оҳанраболиги қуюлса кунларга
қатлам-қатлам,
Марвариддай ялтирай борса кунлар,
Марвариддай ялтирай борса кунлар
улар ёғдусида бизга ҳам тўниб қарарлар бир дам...

Хай-хайт!..
Майсаларга ишил рангдай сингиб битай,
олма гуллариди чаггиб ётай,
шамол бўлиб кетай...

Эркаланга мени гуллар огушида,
Синаб кўриг юрагимни гулзорлар тушида!

Шотўрамда¹, чорбогимда бир туп терак бор.
Сарвқомат.
Мен уни согиндим.
Ўзимни согингандай

согиндим.

(... Бу кун

қошимда у Дил сувратида Дунё,
Дунё сувратида у Дил...
Шамолга инонган буғдой хирмонидай инонаман
у Дилга, қадрдон.
Шамолга инонолмаган буғдой хирмонидай
инонолмайман
у Дилга, қадрдон.
Ойлар туғсин, кунлар туғсин
дил бўлиб оқсин шуълалар,
Шудринглар
ўт бўлиб пойингда ёнсин бу мезон ғасли,
терагим,

Шудринглар

кўкдай зангори ёнсин пойингда, терагим...)
Аммо қалбим ловулламас энди
шудрингдай пойингда, терагим.
Унинг қисмати ўзга, терагим.
Мен теракка айланолмайман
барисин англагани, терагим.
Бу кун

қошимда у Дил сувратида Дунё,
Дунё сувратида у Дил...

Сен эса омон бўл, терагим.
...Дўстлар, олисларда узилсам ногоҳон
айтманглар терагимга...
Йўқ, хабар беринг, жўралар,
Тобутимнинг бир томонин
кўтариб борсин у,
кўтариб борсин у,
Сўнг, нондай бутун яшаб ўтган юрагимни
болаларга улашиб берсин:
кунлар

¹ Шотўра — Фарғона область, Киров райони, «XX парт-
съезд» совхозидаги қишлоқ.

офтобни
қатим-қатим нур қилиб,
улашгани каби...

Тераккинам пойида
шудрингдай зангори ёнсин
Замин... мангу-мангу...

ЁМГИРДАН КЕЙИНГИ УМР

Ёшим — ўн уч.
Сентябрь.
Пахтазорда,
кўсакдек мудраб кетибман;
бир булбул тушимга кирди.

... Онамдан ўрганган дуони
пичирлардим, кўзларимда ёшлар қалқарди:
«Ёмгирдан кейинги
атиргулга айланиб қолсин қўлларим:
майли, қўлимнинг фақат биттаси
атиргулга айланса ҳам...
Шу булбул қўнсин қўлимга:
майли, мен уни тутиб олмайман.
Ахир, атиргул бўлиб қолди-ку қўлларим,
мен тутолмайман,
бир қўнсин шу булбул қўлимга,
майли, сўнгра, учиб кетса...»

Ўша булбул ҳалиям тушларимга кирар:
қўлларим бўлса,
зориқиб кутарлар атиргулга айланишларини...

ЎЗ БУЛДИ

Атиргулниги соясида оҳ уриб ойдинлаб ётдим,
Гунчадек — кўксим чок этиб, боларим жонимга
тортдим.

Интизор кўкимда охир юлдузлар юлдуздек ёнди!
Куртакдан мева бўлгунча, қанча ойларни
йўқотдим.

Қизил гул остида тунаб — гулгул яшнамоқ бу
Жонига олди — ёз бўлди, ёз бўлиб тошди ҳаётим.^{экан,}

Кўнглим кўзимга дейди: «Офтобдек тугилиш
Мавждек дарёга ютилдим, дарёдек мавжларга
бодим!..»
ботдим...

Руҳим иқлимига қарадим:
Равшан унинг юлдузлари,
Сулув унинг сувлари —
ирмоқ-ирмоқ.
Нозли —

тошларининг уйқулари.
Саҳроларим осмонида
Толма бўйин оққушлар
Ўз-ўзига оҳлар уриб дил хушлар:
Таъбирини чақириб,
Зикр тушади тушлар...

Ирмоқларни сизлаб-сизлаб,
бошларин бирлаштирдим,
дарёга айландилар:
юлдузларни мавжларга улашдим:
оққушларим чорладим-да, мен кейин,
дарёга қўйдим.
Сесканиб кўз очган тошлар
бирдан қум-қум бўлдию,
шўх булоққа айланди.
Тушлар эса, жазавадан —
тариқдайин сочилдилар,
лола бўлиб очилдилар.

«Бир ҳўплам сув билан,
Ютиб қўяйинми, қурғурлар!»
Улар узра эгилиб,
Кулимсиради Дунё.

МАРСИЯ

*(Укасидан қоразат келган кунни
Башорат холанинг айтиб йиғлагани)*

Жигарим Мўминжон Холмирова ўғли хотирасига

Ажал тўр ташласа,
кўзим банди бўлдимми?
Нон ушаттириб қўювдим
умидларим ўлдими?
Бир коса сув қўйдим, йўқ мазор бошингга, укам,
оғир олисларнинг тупроғи,
гўрнинг тўла нур бўлсин, укам.

Дарёдан оқиб келади ранда солган оқ ёғоч,
оқ ёғочнинг устига гулхона солган қалдирғоч...
Оқ ёғоч гулхонаси
бу дунё маҳридами?..
Укажоним хилхонаси
ол қонидан ёришган
офтобнинг бағридами?..

Соғинчларим сарвдек соялар солсин
азиз бошингга, укам,
ёмғирлар ёғиб турсин бўз лоладай яшнатиб,
баҳорида сўлиган эсиз ёшингга, укам,
гўрнинг тўла нур бўлсин, укам...

Васл туши, нилуфарлар ёругида
биз ялакат ёруг дунё бўлайлик...
Огушлардан юлдуздай томчилашиб,
Ҳей, юлдуздай кула-кула сўлайлик...
Ёмғир бўлиб ёғайлигу,
ёғайлигу
қизил гуллар дудогиди дудоғ каби
қонайлик...
Қулайлигу қизил гуллар соясида
уйғонмайлик: уйқуларга қонайлик...

ВИСОЛ

Ўнгимизда зумрад, безавол ҳаёт,
Мунавварлик каби шу Сомон йўли...

Уззутун юлдузлар билан ўйнадик.

* * *

... 42-йил. Чилла.
қировланган чўғларга
шивирларди
шу мунис сўзларни
бобом:

— Сувларим, йўлингиз ойдин...
Офтобларим, йўлингиз равшап...
Қароғларим, умрингиз узоқ...

Кейинчалик,
англасам, ўшанда урушларда юрган экан
бу тупроқнинг сувлари,
офтоблари
қароғлари.

Тулпорининг ёлини жини ўриб кетмиш —
тушларида кўрар чавашдоз...

Тиззадан сув кечиб чўлни ахтарар
тушларида телвагезак...

Шудгор қилиб,
сахнида уруг сенар эмиш дехқон —
тушларида кўрар пахсадевор...

Думбул дон бугдойга айланган онни
тушларида кўрар ўроқчи...

* * *

Жавзо. Саҳар. Оҳу шабада
Шудринг ичар гул дудогидан.

Қилич янглиг ярқирар умрим,
Эркаланар олам қошимда...

Юзим, сочим силар-да қумрим,
Алла айтар менинг бошимда...

* * *

«Эй жоноқи олмалар...
Сўнгаларимга ўт тушар-да,
инграр ипак кечаларда;
ипак кечаларда...»

Мен шундай шивирладим;
кеча ойдин эди:
жоноқи олмалар билан
тутдим ошнолик...

Сувга суқланар,
Капалакка суқланар
Ёруғ олам остонасида
Бир куртак.

Ойни қизил олмадай,
қўйнига яширар
ёруғ олам остонасида
бир куртак.

Тошларни оҳиста уйғотиб,
салом берар,
сўнг, йўл сўраб билар
ёруғ олам остонасида
бир куртак.

Гулларга жилмайиб қараб қўяр-да,
сал қимтиниб, баргларин ёзар
ёруғ олам остонасида
бир куртак.

ШОТЎРАНИ ЭСЛАГАНДА

Қуёшни ёқалаб тушган ҳовлилар...

Пахтага кулгулар ташиган сувлар...

Далаларга кетган тупроқли йўлда
Трактордан қолган яп-янги излар...

Оқ каптар қанотли деразалардан
Соҳилсиз осмонга термулар қизлар.

• • •

Бөгдә сайр әтади расида қиалар,
Кўзлари тўла муҳаббат туши.
Муҳаббат оҳанрабоси
Кун бўлиб куйдирар қафтларини,
У тушиб кетмасин, деб
өзмаслар қафтларини,
очилмаган гулдир муштчалари...

Нечук?
Қизарарлар,
бўртиб қабоқлари...
үйларида... чақалоққа айланиб қолар айни он
юраклари
ва кўрқа-қимтина
беланчакка мўлжаллашар энг гўзал дарахтни...
... Ёвқаран-ла қиё қараб йигитларга
қумридайин ҳу-ҳулашар:
қаттиқ ердан қалтираб чиққан бойчечакдир
овозлари,
жомшоқ ердан ялтираб чиққан бойчечакдир
овозлари...

ДЕҲҶОН

Қараса,
субҳи содиқнинг элчиси — камшири:
«Ўлиштими, шунинг ақишига уйғонмаса», — деб ,
бир даста қора райҳон қўйиб кетибди
болини устига...
Илгарилари...
зарифа эди хотини келинлик чоғлари ҳам:
субҳидамда,
жонида лолақизгалдоғи бору,
авайлаб-асрагандек шуни,
шикаста,
сарин товуш билан уйғотарди уни...
Севиниб уйғотарди уни.
Хотин эрни севиниб уйғотдимини-
буанда эзгу бир сир бор...

* * *

Саҳар туриб ювинганда,
шабнамларга беланган бугдой хирмонидек
хушбахт сезар ўзини...
Кейин,
боғ оралар,
саломлашиб ёнғоқларини шапатилар,
терақларни беозор силар,
жилмайиб тортиб қўяр тутларнинг япроғидан...
Боғ оралаган чоғлари
бир ўзи узумзорга айланмиш ток новдаси,
деб билади ўзини...

* * *

Боғ оралаган чоғлари
хаёллар олади уни.
Хаёллари бири биридан дилбар:
«Йўқ,
асли,
бир ўзи узумзорга айланмиш ток новдаси —
одам хил-хушти.

Бир доня бугдойдан кўклаган,
оламга тож қилгулик тилла бошоқдир —
одам хил-хушти.
Тошган дарёдир,
қайтган дарёдир,
лекин ҳаминшалик оқар дарёдир,-
одам хил-хушти...»
Шундай пайтларда,
юрак эмас,
ўн тўрт кунлик ойдек туюлиб кетар
кўксидаги бебаҳо нарса.

Ким билсин,
юрак эмас,
ўн тўрт кунлик ойдир, дарҳақиқат,
кўксидаги бебаҳо нарса...

* * *

Икки туп марвартак ўстаи эди.
Марвартак умри-ла яшарди улар.
Иттифоқо,
Бир туп терак пайдо бўлди улар сафида,
шунда,
англади марвартақлар:
фақат марвартак умри-ла
яшолмаслар энди...

Теракни севди иккала марвартак,
Терак эса,
на кўрар,
на эшитар уларни...
Бўғилиб кетади иккала марвартак,
марвартак умри етмас уларга:
ҳамон аввалгидай,
терақ умри-ла бахтиёр яшайди у, бир туп

терақ...

* * *

Боғда булбул чаҳ-чаҳлар,
Кўрпа қавийди кампир.
Чоли ўроғин чархлар,
Ўрим бошланар дамдир.

Кампир суради хаёл:
«Келинини туширса...»
Тигга тирноқ урар чол:
«Ҳаво чарақлаб турса...»

Бир осмон қуш ўтади,
Бугдойзорни мўлжаллаб.
Йигит кимни кутади,
Аста бошоқни силаб...

Боғда булбул чаҳ-чаҳлар,
Кўрпа қавийди кампир.
Чоли ўроғин чархлар,
Ўрим бошланар дамдир.

Ғайҳонларни исламак
насиб этди мен Ғарғоналикка.
Ғунчалар дудогидан шабнамлар шимирмак
насиб этди мен Ғарғоналикка.
Атлас кўрпалар уара мени кутиб,
титраган юлдузни
осмон бўлиб аркаламак
насиб этди мен Ғарғоналикка.
Норин дарёсига ишқим тунди; беш йил муттасил
у дарёга айланишни орауламак
насиб этди мен Ғарғоналикка.
Менинг дунём ичра денгизлар, инсонлар, майсалар
зилол яшар;
денгизларни, инсонларни, майсаларни
завқлана-завқлана, қайгура-қайгура севмак
насиб этди мен Ғарғоналикка.

Испани шоири Гарсиа Лорка хотирасига

Ишқинг умри чинор эди,
ишқи қуён умрларга дуч этди ҳаёт.

Эътиқодинг ёмғир эди,
эътиқоди кўлмакларга дуч этди ҳаёт.

Тилакларинг бинафша эди,
тилаклари бемаҳал изғиринларга дуч этди
ҳаёт.

Одамлар эшитган эди:
«Ишқи умри чинорлар ўтган экан;

Эътиқоди ёмғирлар ўтган экан;
тилаклари бинафшалар ўтган экан...»

Энди улар ишонар:
яна ишқи чинор умрлар туғилар;
яна эътиқоди ёмғирлар туғилар;
яна тилаклари бинафшалар туғилар...

ТОҶИРНИНГ СЎНГИ ҚЎШИГИ

Сизни унда, бизни бунда дунё яратди,
Ўртамивда оқар дарё яратди.
Оқар дарё сувлари гумга ютилсин,
Тўлқинлардан қора бўйра яратди.

Қундай чалқиб борсам қора бўйрада,
Сочингани ваармикансин?
Қундай қалқиб борсам қора бўйрада,
Қилагалдоқдай тўнрмикансин?

Сизни унда, бизни бунда дунё яратди,
Ўртамивда оқар дарё яратди.
Оқар дарё сувлари тош бўлиб чўксин,
Юлдузларни тўлқинига талатди.

* * *

Бу зулук қонлар — жонимнинг зомини,
бу қиличдек жуvon — жонимнинг золими,
бу тошбағир қўшиқлар — жонимнинг заволи...

Равшан ой сузар кўкда,
Япроқлар совуқ ярқирар.
Бу қиличдек жуvon,
бу тошбағир қўшиқлар —
яна, умримга бостириб кирар...

Ой бўлур адо,
тонг шарқирар.
Бу қиличдек жуvon,
бу тошбағир қўшиқлар
сўнар кўксимда
юлдуздек ёна-ёна...

* * *

Бир йигитнинг гўзал муроди —
Балки, осий қўл етмас анвар —
Бир ойдай қиз бокира ёди,
Ҳаётини этмиш мунаввар.
У қиз қодир мусиқа қадар,
Ўзин излар йигит созидан.
У юсуфин айлар самандар
Висолию эзгу нозидан!
Гулдай ёнар қизнинг ҳаёти —
Бисотида пок мушки анбар:
Бир йигитнинг гўзал муроди
Ёхуд осий қўл етмас анвар.

* * *

... Кўнглим ялпиздир —
ёнингда бўлсам,
гуркирайди ҳидлари...
Сезмайсан бунни.

Юрагимда айқирган шаршара —
шаршарага айлангирар ёруғ жаҳонни:
йўлласанг...
Тушунмайсан-да шуни...

Бу дам денгиз каби ёлгизман:
ҳансираб ётган мавжларим билан,
булутларим, балиқларим,
кемаларим синдириб кетаётган
юлдузларим билан...

Бу дам олам каби ёлгизман:
кечаларим, кундузларим, уммонларим,
саҳроларим, довулларим, машиналарим,
ўрмонларим, тоғларим,
қушларим, кишанларим,
инсонларим, рўёларим билан...

Шаршарадай отилиб келинг,
қушлардай тунлардан ҳатлаб келинг,
келинг, бағримга келинг,
ёмғир бўлиб келинг,
сабо бўлиб келинг,
нур бўлиб келинг,
келинг, бағримга келинг!

* * *

- Тун бўйи юлдуз бўлиб чақнадим!
 - Юлдуз бўлиб тун бўйи чақнадинг!
 - Кўкнор қайтди гуллик ҳолига...
 - Қайтди кўкнор гуллик ҳолига!
 - Шеърим тошнинг кўз ёши янгли
бутун вужудимдан силқийди...
- Серб этди мени дарё дунё!
— Дарё дунё...

* * *

Уялган бўсадан қўрқар,
Бола толхивичда тулпор кўради.

Юз ёшли кампирнинг ҳам кўкси ияр
олисдаги боласи келарин сезса.

Малоҳат ёшидаги ўғлонга
оқ бедовдай кишнаб чиқар тун бўйи
Юлдуз,
Жонон қизнинг дарчасидек кўрингай қамар.

Касаллик эса,
кишини айлайди ғариб.

* * *

Балки, бу шеър эмас?
Балки, кўзойнак?..
Тақиб олинг — кўзойнак бўлса.

Дўстим Келдиёр Шарафиддинов хотирасига

Туплари ой қўйнимда,
кундузлар кун қучогимда;
Не учун айрилиб қолдим,
Келдиёрдек ўртоғимдан?

Богимда чақшаган гулдир,
ўт чарсиллар ўчоғимда;
Не учун айрилиб қолдим,
Келдиёрдек ўртоғимдан?

Ҳандалаклар ҳилол бўлиб,
тилимланар пичоғимда;
Не учун айрилиб қолдим,
Келдиёрдек ўртоғимдан?

Гулғунчалар ханда отиб,
очилади дудоғимда;
Ғунчалар! Айрилиб қолдим,
Келдиёрдек ўртоғимдан...

Бир мезоннинг йўли янглиг кунлар узундир,
 Бир тола соч таърифидек тушлар узундир
 Ва қувваи ҳофизамнинг дарёси узун,
 У туну кун кунга солар шу қўшиқ сўзин:
 «Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар қўйнимда,
 Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда».

Мен юртимдан олисларда бир қизни суйдим,
 Юлдузларнинг кўз ўнгида юлдуздек куйдим,
 Дилдоримнинг дийдорига тушларда тўйдим,
 Ёш умримни: «Садқа», дея пойига қўйдим:
 «Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар қўйнимда,
 Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда».

Мен гугуртдек ўз-ўзимни ўтга чоғлайман,
 Хаёлларнинг гирдоби-ла йўлим боғлайман;
 Қулоғимда янграй бошлар нечун жонбаста,
 Ўша азиз, беҳаловат навоки, хаста:
 «Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар қўйнимда,
 Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда».

ИЗРАГА ОТЛИНИНГ ХИРГОЙИСИ

Баҳорда ёмғирлар ёгса,
ёришар ёрим, ёр-ей,
Баҳорда ёмғирлар ёгсин,
ёришар ёрим, ёр-ей.
Бугдойлар гуркирар бўлса,
гуркирар ёрим, ёр-ей,
Бугдойлар гуркирар бўлсин,
гуркирар ёрим, ёр-ей.
Бўғриқиб нонларни ёнса,
яйрайди ёрим, ёр-ей.
Бўғриқиб нонларни ёнсин,
яйрайди ёрим, ёр-ей...

ЛАВҲИ ЁД

Хаёлида ҳумо қуш —
камалак умрли эди;
Бино қўймиш бинолари — капалак умрли эди.
Бир шам: «Тагжойим —
офтоб бўлсин», — дегандек,
Ўнги саробзору туши
малак умрли эди.

ТҮБЛӘ ҚАНОТЛАР

Ғир бәлиң
күлдән сәһнәй эңдәри
кәлдәләр сәри уңһиң...

У, җәр йәңдәһиңдә,
күлдә уңһиңдә!
«Мен бәрибәр уңһиңә һәрһиң!
Уңһәр кү тәһдәри қуһһиңдә!
Мәһдә һәһ - һиһәһ қанотлар...»

ҚУМУШ ТҮЙ МҮБОРАК

(Мақсудали аванина Давлатлиһи һиһәһ айһиһи)

— Һолта тунһуһиңә күһдә һәм олар,
Шудриһг сәһһиһуһиңә һаботот һәһһиңә,
Чуһ күһи һәһһиңә һиһәһһиңә қоллар
Уһһиһ уһһәһиңә то муһиһә һиһиңә.

Тонһәһиңдә һдәһг тоһ қуһһәһһиңә,
Уһһүмворһәһ һуһһиң - һәһһиһиң уһһиңә,
Һиһәһ һдәһһиңиңә һуһһиңә сәһһиң -
Мәһ, сәһ һәһ күһдәһ тунһиңәһиң...

Қиһһәһһәһдәһ уһһәһдәһ һәһһиһ һиһһәһһиңдәһ,
Суйһиңдәһг! дәрһһәһг тоһһәһһиңдәһг маһһиһиңә,
Шәһһәһһәһ, һәһһәһһәһ, һуһһәһ һәһһиңдәһг тәһ,
Қуһһәһ һиһ һәһһиңдәһ, һәһһәһһәһгәһ - уһ.

ДОН КИХОТНИНГ ЯРОҚБАРДОРИ САЛЧО ПАНСО

— Тўронгига бориб:
«Саамим!» — дердим;
Чангалзорга кириб:
«Чаманим!» — дедим;
Изгириларни:
«Ёзим!» — дедим...

Водариг! Улар —
тўронги эди,
чангалзор эди,
изгири эди...

ҚУЙГАН ЁРЛАР

(Утмишдан)

— Маст қилдими чинни пиёла саси,
Шошмай туринг бунча — дарз кетари бор.
«Чинниман!» — деярга келмай нафаси,
Қуёнийриқликдан арз этари бор.

— Лола-лола кашта тортгани зорман —
Ангишим бармоққа торлик қилади.
Соқолидан уйқуси узунга ёрман:
Лола бўлай десам — қорлик қилади.

— Нах урмангиз биздан — бол бўлар какра,
Барно йигит, қўйманг хазонрез кунга,
Боғлар сув кўргунча, дудоқдан баҳра —
Етказсангиз нетди қақраган гулга.

— Оҳ уриб, қумри қуш чўлларда қолдим —
Сиз қайрилманг, мен қайрилиб қарайман.
Ўлгунимча ёзиқ менинг рўмолим,
Қокилимни тикон билан тарайман.

Сиз юрган йўллардан юрдим —
 Ой кўринди улар кўзимга.
 Сиз кўрган боғларни кўрдим —
 Ой кўринди улар кўзимга.
 Инингизни, синглингизни таниб термулдим —
 Ой кўринди улар кўзимга.

Лолалар гуллаган пайт эди,
 Нури ташир колхозчи қизлар.
 «Лола гуллагани — ернинг гуллагани,
 Ер гулини ташлаб қўймасин,
 Тез экайлик», — дер эди қизлар.
 «Ер гулини ташлаб қўймасин,
 Тез экайлик!» — деёлмайсиз Сиз.

Мен тагин сизни сўроқлаб келдим —
 ўз банджудо чоғларин
 излаётган,
 шифтга осиг қовун каби...

Билакдек жилға эдим:
 жаҳондек дарёни топгандим Сизда:
 Бир соя яратгани
 Қурби етмас шам эдим —
 беармон қуёшни топгандим Сизда.
 Туринг, кўринг қон йиғлаганимни.
 Тириклигим бори-йўғими, ўлгунимча —
 шу ой қабр?

Ойдан ёғдингизми?..
Кундан ёғдингизми?..
Муҳаббат деганлари Сизмидингиз, ёруғлик?..

Шу кунгача яшаб улгурганларим,
яшаб улгурмоққа шайланиб турганларим
сархушлик эдими —
тарқади-кетди;
Шу кунчага топганларим,
экканларим, тикканларим, йўқотганларим,
топмаганларим, элмаганларим, тикмаганларим,
йўқотмаганлариммиди?
ҳа десам — ҳа дегулик эмас,
йўқ десам — йўқ дегулик эмас...

Сиз ойдан ёғдингизми?..
Кундан ёғдингизми?..
Муҳаббат деганлари
Сизмидингиз, ёруғлик?..

Ҳаёти нур ҳаётига кўчаётган дарёман
бу кун...

Оҳ...
Жонимнинг чинор дарахтини
Чақмоқ тушиб ёқди тагин!
Муҳаббатнинг лайлатулқадри
ялдомни кундуз қилиб,
қанотин хиромон қоқди тагин!

БОҒ САЙЛИ

Чилдирмалар қизиди,
қизиди.
Қиз сочидек таралди тулпорлар ёли,
қиз сочидек таралди.
Ларзон шохларидан узилди,
Лаъли-баркашларда сузилди
қирқма шафтолилар...
Оҳ, қирқма шафтолилар...
Муччи олиб тўймайсан,
Термулган билан тўймайсан,
Туш кўргандек бўласан,
Еган билан тўймайсан;
Саватларга солиб чиқилди
анжирлар, қора анжирлар...
Анжир қачон гуллайди?..
Сиз ўйлаб турунг,
мен эрмак қилиб турай...
Ёспирай!
Анжирми, бу,
ё қиз боланинг ёр ҳақида хаёли?
Бу анжирю,
гули қандай ширин бўлган экан, а, оғайни...
Шундай лабга олиб борсангиз...
Беозоргина қилиб, шошилмай,
тил устига қўйсангиз,
янги туғилгандек бўласиз...
Ўрикларни сўзламай:
Аҳмад-ўрикхўр гўрида тўлғанмасин,
узумларни сўзламай:
ширинлиги эшитганинг тилин ёрмасин,
қовундан сўзлай қолай:
Бизнинг Ойбек шоир
бир тилим қовунга ўхшатган ҳилолни.
Ҳаққи рост.
Илгарилари,
осма чироқ йўқ пайтлари,
ўртага уч тилик қовунни қўйиб,
шуларнинг ёруғида
китобхонлик этарканлар...
Чироқ этгандан —
тотган ҳам маъқул, лекин:

марвариддек ярқирайди
қовунга тўйган киши.
Уйқусида фароғату,
меҳнатида — роҳат.
Бунинг устига, йил бўйи
 ҳар наҳор бир тиликдан қовун еган —
бир чол йигит бўлган,
ўн олти ёшлик аслига қайтган бир кампир,
дейдилар...
Сиз куласизу,
мен ишонаман, иним.
Қўлингизга тупроқ олсангиз,
олтин бўлар бу Ватанда;
Ғунчалаган ҳар эзгу мурод,
гул бўлиб кулар бу Ватанда.
Қасд қилганлар бўлсин паст;
Жон иним, шонманг бирпас:
Катта карнайлар қўйилди,
Боқилган қўйлар сўйилди;
Капкирни олиб ошпаз,
Энди чўмични илди,
Энди чўмични илди...

марвариддек ярқирайди
қовунига тўйган киши.
Уйқусида фароғату,
меҳнатига — роҳат.
Бунинг устига, йил бўйи
 ҳар паҳор бир тиликдан қовуни еган —
бир чол йиғит бўлган,
ўн олти ёшлик аслига қайтган бир камшир,
дейдилар...
Сиз куласизу,
мен шонаман, иним.
Қўлингизга тунроқ олсангиз,
олтин бўлар бу Ватанда;
Ғунчалаган ҳар эзгу мурод,
гул бўлиб кулар бу Ватанда.
Қасд қилганлар бўлсин паст;
Жон иним, шошманг бирпас:
Катта карнайлар қўйилди,
Боқилган қўйлар сўйилди;
Канкирни олиб ошпаз,
Энди чўмични илди,
Энди чўмични илди...

ЛАЛА

— Тишиб борар ариқлар,
Бугдой поя сариқлар,
Чаре бедовлар ориқлар,
Ҳай-ҳай, жоним сунбула!

Омон бермай, деб жонга,
Ўт чирманштириб қонга,
Юлдуз сизмас осмонга,
Ҳай-ҳай, жоним сунбула!

Эшик олдида юлгин,
Юлгин, буралиб келгин,
Тоқатим бўлиб селгин,
Ҳай-ҳай, жоним сунбула!

Бугдойларим тахт бўлди,
Қуйилиб дони тўлди,
Бир иш аламли бўлди;
(Ҳай-ҳай, жоним сунбула!)

Битта дунбул бошоғим,
Дерди: «Кўкарсин боғим,
Талош бўлсин машоғим...»
(Ҳай-ҳай, жоним сунбула!)

Ёху, дейман, минг ёху,
Тўлишига қултум сув —
Етмай қолди. Жон оху —
(Ҳай-ҳай, жоним сунбула!)

Елиб келгин-эй тоғдан,
Сув илиниб дудоқда,
Ўша сероб булоқдан...
Ҳай-ҳай, жоним сунбула!

Бор бўлсин сероб булоқ,
Ҳаёт бахш айлар дудоқ,
Кўк билан бўйлашган тоғ!..
(Ҳай-ҳай, жоним сунбула!)

Сир Сирдек бұлиб оқсин,
Аму ҳам тўлиб оқсин,
Хилқинган кўзи оқсин,
Ҳай-ҳай, жоним сунбула!

Мавж ур, қутга тўл, дарё,
Бошоқ тортсин бир кам дунё,
Бут бўлсин бир кам дунё,
Ҳай-ҳай, жоним сунбула!

*(«Кунтуғмин» достони қаҳрамонларидан
Гуркибой билан Моҳибой хотирасига бағишланади)*

«Меҳнат...» — деб йиглайди,
нурдек кучли бир қўл,
кучдек нурли бир қўл...
Ёху!
Шундоққина тирсагида
бугдойзор чатнаб ётади...
Сал нарида сой.
Бугдойзору сой ораси —
бир нигоҳлик йўл...

Бўлсами шу қўлнинг кўзлари!..

«Эзгулик...» — деб йиглайди
чароғдек бир кўз;
бандга тушган каптар —
У кўзнинг ўнгида...

Бўлсами шу кўзнинг қўллари!..

— Ёри жоним, гулу райхонлар
соясида ётмабмидингиз?
Гунча билан бирга тугилиб,
кундузга бол қотмабмидингиз?

— Шойи билан кимхоб кийдим,
Устимда йўқ, қора кўз ака!..
Қазн билан қарта едим,
қорнимда йўқ, қора кўз ака!
Телвагезак бўлган кунлар —
бе, кимда йўқ, қора кўз ака!

— Ёри жоним, гулистон бўлур —
битта имо...
Мени тошдан Асқартоғ қилур —
битта имо...

— Шойи билан кимхоб кийдим,
Устимда йўқ, қора кўз ака!..
Қазн билан қарта едим,
қорнимда йўқ, қора кўз ака!
Телвагезак бўлган кунлар —
бе, кимда йўқ, қора кўз ака!

— Ёри жоним, қорадарахт юрт
чўллагандек бўлди бағримда.
Дов-дарахтлар, само, одамлар
гуллагандек бўлди бағримда.
Қумри, майна, булбулигўё
куйлагандек бўлди бағримда.
Бўз тилаклар бахт туйнугидан
Бўйлагандек бўлди бағримда.

— Ўнглаб бўлмас тушдир бу,
қора кўз ака!

— Тун кўзидан сизган ёшдек шом —
палак бўлиб кўринар менга,
Ўтар эсам тошлоқ йўллардан,
айланади райхонга тошлар.

Құл төгизсам отим ёлига,
у тоша бошлар...

— Қаловини топмас кучдир бу,
қора кўз ака!

— Сайр қилиб чиққанда сувлардан қундуз,
ойдин қучоғига тўлганда кундуз,
икки дил бўлганда кўзу қорачуғ
ўн тўрт кунлик ой каби порлаб,
ёқачок қиламан сангдил оламини!

— Гул кўринган тикан —
алам, ўчдир бу,
қора кўз ака!

Бугдойзор ичида
 кундай бўлиб чиққан эди
 у қизғалдоқ...
 «Ёнган чирогимнинг пилиги — шу», деб
 кўп айтар эди
 Мирҳайдар...
 «Бошингизга тожмиди, мунча...
 Гўрингизга мрамартошмиди, мунча?..»
 Кунчилик қиларди хотини ҳадеб...
 Муродига етди жин ургур:
 нобуд этди кексалиги жавҳарини
 наврўз қароқчи шамоли...
 Шундай кейин, дейсизми?
 Ўз руҳига кўчирди уни...
 Энди қишин-ёзин, айни саҳар,
 шабнамлар билан бирга
 қизғалдоғини кўргани келарди Мирҳайдар
 хоки анжир фаслини эслатувчи кафтларини,
 бармоқларини гулбаргларда нохундек юргизиб,
 ниш ёрган куртакдай кўм-кўк кўзларини
 қизғалдоғи юрагига пайванд қилгали
 эгиларди Мирҳайдар...

Толни чақмоқ урдию
жонимдир ұтда қолған.
Гунча завод кўрдию
ҳаловатим йўқолған:
Тасаддуқ жоним айлансин!

Қаттиқ ерни таталаб,
учганда бойчечак ҳуши,
Одамми... «Э, биз шу ерда», деб
қатига тушмаган киши...
Тасаддуқ жоним айлансин!

ТИНЧЛИК ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Тонг уйғонар тугма бир ҳаё-ла.

Мизгир бешик қучоқлаб келишлар;
Қутлуг тонгнинг ярашиг тамизи —
Чолу камшир чой ичар сўрида:
«Бир данакнинг ялакат мағизи».
Сув сепилган райҳондай гуркираб,
Гўл важ тошиб камширшо кулади;
Кўзи билан синовчан жилмайган
Барно чолип фидоси бўлади:
«Ҳар боққанда бир ҳолга тушаман...
Қурғур, ҳануз Зулайҳо этгудек.
Қўли тегса ҳар сафар қўлимга,
Ажинларим ёзилиб кетгудек...»

Тонг уйғонар тугма бир ҳаё-ла,
Меърожида туради Зухро-Ёз.
Тирикликнинг бокира синглиси —
Ишқ кузатар мунаввар, дилнавоз:
Гуллар ўлчаб бир-бирин бўйнига
Йигит-қизлар нур бўлиб кўришар.
Кун йўлида ботади Ою туш,
Толда қушлар уйқули туришар.

* * *

Сўзлар мени мажнуун этди бир толма бўйин
қиз каби;
сўзлар инсон камолининг пиллапояларидир,
умрларининг обидаси;
энг тирап дарёдир сўзлар дарёси,
энг ёруғ таваллуд сўзлар таваллуди,
энг мард ўлимдир сўзлар ўлими...
Ой сўзларда офтоб Ватанинг кўзи

Йўқ, саҳв қилдим, яшар —
ой сўзларда офтоб Ватанинг ўзи

ки, кунтўлди бир сўздан яшар —
руҳим тўлди:
Ленин.

* * *

Тирикликнинг қон томирларини
топмоқчи ақл;
Жим...
думбул бугдойнинг пояларида,
бир кимсанинг палағда иродасида,
ишқ қояларида,
сурма ичган қора ёмғирнинг сасида —
тирикликнинг қон томирларини
излайди ақл...

Жим...
... қуйилиб бўлди бошоқ,
олтинланди бугдой;
бошоқларда донлар билан бирга қуйилиб;
бошоқлар-ла бирга олтинланди ақл...

... Биродар,
керик хулқингни жиловлаб ол;
даҳолик билан кўрликнинг меҳвари бошқа —
гулни
чўкичлаб элмагил тошга...

Таҳқирламоқда экаи гоҳи-гоҳи
табиат бизни,
демакки,
бўлолмабмиз комил комил...
Қанотингни қанотлаб, ол, Мен!
Ҳаётингни ҳаётлаб ол, Мен!
Гуллай қолнинг тезроқ, инсонлик гулчалари!..

* * *

Сўзлар шудгор ҳолатига кирар,
сўзлар сув тусига кирар;
сўзлар —
ғилдираклар шаклига кирар:
«Ақлинга ҳам ўрнат бизни!..»

Сўзлар —
газета қиёфасига кирар:
«Биз — сўз эмас:
Биз — гуллаган дарахт,
биз — Тинчлик,
биз — ҳамма нарса!..»

Эски тўлқинлардек сўнади сўзлар,
янги тўлқинлардек —
унади сўзлар.
Башариятни
қуш уйқу этади сўзлар.

У сунбула дил, у жавзо дудоқлар қани?
 Ўт тушди жонга, оҳ, мунис у оҳлар қани?
 Учқур қанотдек қайрилдинг, узилдинг нафасдек —
 У тошқиндай қафт, у рози нигоҳлар қани?

БЎЗ ЎҒЛОН

Ери бўлиб, позлана-позлана
 Туша келди Ер сари Тўлиной.
 Гўё, шохда учай деб турган қуш —
 Кўз ўнгида омонат сўлим ой.
 Зуваласи жунуннинг лойидан
 Ййланганин билмаган бўз бола —
 Шу дунёга тушган ўт бўлдию
 Ҳўл-қуруқни ёндирди бенола:
 Белин ушлаб, шўх кулиб, ноз билан
 Бир-бир босиб яқинлар... «У... У!.. У!..
 Дайлатулқадрми? Ўтару кетарми?
 Йўлин кесинг, чақинлар!»

Нимкулгу —

Ҳилол янглиғ чақнайди лабида.
 Учаётгандек сезинар бўз бола.
 Қани, жонин тутса қизилгулдай!
 Қувончларин айтса қилиб нола!
 Қамашади кўзлари... Оқ гулга
 Беркинади бир лаҳза Тўлиной.
 Гўё, шохда учай деб турган қуш —
 Бор ҳаёти — омонат сўлим ой.

ГИРЯ

Қўшимиз эди Мунисхон,
чошгоҳ билан туш орасидаги
яйратиб толдирар пайтдек
ширин эди Мунисхон...

Мунисхоннинг тўй куни келса,
қирқ кокилин ўришларини
кўрмоққа интизор қизлар,
ўшал тўйнинг никоҳ сувидан
ичгани орзуманд бизлар...

... Сафоқул деган галварс бойваччага
унаштириб қўйди саврда
Мунисхонни отаси;
Сувоқ девор ичра унниққан
сомонларга мўлтираб туриб:
«Тиригимда тегмайман!» дебди
онасига Мунисхон.

... «Сафоқулдан бошқасига берсам шунингни,
онам хотиним бўлсин», дебди
Мунисхоннинг отаси.
«Сафоқулнинг хасмига кириб,
шу остонадан ҳатламас экан,
тўрт деворнинг ичида чиритмасам шунингни,
онам хотиним бўлсин», дебди
Мунисхоннинг отаси...

* * *

Сарвдайн қомати
қизил гул қуршовида,
шўх печаклар довида
яшагиси келар-ку!
Саболар салқинида,
гул-чаман чақинида
яшнагиси келар-ку!
Гулгойидлик вақтида
жигари хун Мунисхон
Етти фалак қатида
тутилган кун — Мунисхон.

Зеби-зеби кўкракларини
ҳавас билан силамайди ҳар тонггидай,
қизил гулга дутона деб тилакларини,
уларга кўрк тиламайди ҳар тонггидай.

Кўзгусини хушламай
ерга отиб ташлабди.
Ангишвона, игнасин
занглар боса бошлабди...
«Ерлар кўпчиб, чувалчанг
жувоз ҳайдаб қолгандир...
Нонлар ёпсанг кўйлакчан —
лоладек бўлса тандир...»
Тўрт деворнинг ичида
дилгинаси пўртана.
Муниҳоннинг жонида
жононалик ўртанар.

Офтобларга поя бўлиб турганда,
Муниҳоннинг кўзи йўл кўрди:
Лол дунёга рўё бўлиб турганда,
янгажони сочларин ўрди...

* * *

Гул умри саҳро маҳрига тушди,
Жон ўлан.
Қизил қон саффо маҳрига тушди,
Жон ўлан.
Қун ботди — қунгай гулбарглардан сўранг,
Жон ўлан.
Муниҳон юлдузин лолага ўранг,
Жон ўлан.

* * *

Оҳ, оламга тутган гулларинг
нега сариқ, пушти... Муниҳон?
Бешик қучоқлаган бир юлдуз
кўк саҳнидан учди, Муниҳон...

* * *

Сўзлаб юрди покчи кампир:
«Ипак экан Муниҳоннинг танлари
қовжирабди-е айнимабди.

Илик узилди фаслига ўхшаркан
Мунисхоннинг таплари —
ойдек кириб ерга,
тўлдирди тўймагур тупроқ ҳусини...»

* * *

... Ер — осмонда,
осмон тупроққа қоришиб ётар...

Тиз қучганча ўтирибман
Сирдарёнинг бўйида...
Мунисхоннинг хоки пойида
Ишқ оқмоқда бир дарё бўлиб,
ҳусн оқмоқда бир дарё тўлиб...

Дунё бўлиб тирилсанг-чи, Мунисхон...

* * *

Кўклам келди,
 Чорбогдаги кекса марвартак шохига
 бир бойлам бинафша тутқавиб ўтдим.
 Онамнинг дугоналари буларди бу марвартак,
 Уруш йили, тут пишиги маҳали,
 катта тоғамдан қора хат келиб,
 шу марвартак остида ҳушдан кетибдилар онам,
 Бир соат ўтганми,
 бир йил ўтганми,
 ё бир умр...
 эсларида йўқ.
 Кенжа акамни
 кунма-кун, онма-он
 кутиб юрган пайтлари экан-да,
 бедармонлик
 беҳушликни хобга айлантирган бўлса керак;
 туш кўрибдилар:
 Ўнгларида Сирдарё эмиш,
 сўлларида Амударё...
 Онам
 уларга алла айтаётган эмишлар:
 «Фотимахоним,
 булбулигўём, алла,
 Зухрохоним,
 меҳригўём, алла...»
 Тут пишиги экан,
 бошларида шу қадрдон марвартак.
 тонгми ё тутнинг ойдини...
 ишқилиб, нурдан маъмур сония экан.
 Онам ўзларига келганда,
 кўнгилларида —
 тўр тўқий бошлаган ўргимчак ўрнида
 оқ гул гунчасини туюб,
 яна оёққа турибдилар,
 марвартакка қиёматлик дугона кирибдилар.

Дунёнинг қоронғусидан ёруғи кўп.
 Ҳар қалай ёруғ кунлар келди.
 Дадамларни тўнғич акамиз номи билан атаб:
 — Эргашали, — дердилар онам, —
 ўртанчангиз, Йигитали тушмагур

Тоғасига тортаётгандек.
Миришкор чиқади шекилли.
Олчага уланган гилоси —
олибди...

— Эргашали, — дердилар, —
Раҳматалингиз тушмагур
тоғасига тортаётгандек.
Биздан ҳам булбул чиқади шекилли.
«Равшанхон»ни
ёд айтишин кўрсангиз...

Раҳматали тушмагури онаминг
«Равшанхон»ни ёд айтавериб,
мени салкам Равшан қилиб қўйди.
Йигирма ёшимгача ўзимга келолмадим...
Сувнинг қулоғини оча туриб,
марвартакка қайрилиб қарасам,
дугоналари қошида ўтирибдилар онам.
Мириқиб дардлашарлар энди икки дугона.
Алқисса,
кўнгилларида оқ гулни туюб тағин,
кўзголади волидаи муҳтарама.

СИЙЛОВГА БЕРИЛГАН ДУЛДУЛГИНА ОТ ЕКИ ХАШАКИ ЧАВАНДОЗ ҲАҚИДА НАҚЛ

Бўриболалади ёмғири
сўлиқ тишлаган от устида
арғувонга қизил гул отиб;
«Саломатмисиз, қаламқош?» деди,
«Сиз сўрагандан бери,
Қора кўз йиғит...
Бедовингиз югурик экан,
Қора терга ботиб келибди;
Шамолжон уқангизга жилонин беришг, совутсин,
То унгача йўқ эмасдир-ов бир шёла чойимна...»

... Уч от совутар вақт ўтдию,
қорасини кўрсатмади суворий.
Сабри чидамай,
Шамолжон бориб,
чертди деразани:
«Бедовингиз икки қулоғи орасидан
беҳишт шамоли эганини
кўргингиз келмадими,
чавандоз ака...»
Бўриболалади ёмғири сукутидан кейин,
эшитилди эҳтирос ҳамалли жувон овоз:
«Жон укам-э...
Поччангиз билан опачангиздан
Сизга сийлов ўша дулдулгина от...»

— Муштар қилиб қўйган бўлсам,
бир қошиқ қонимдан исчарсия,
шаҳаншоҳим...

Хандон ташлаб,
ёнимга сал кечикиб ўлтирар.
Мен гўё бепарво
қўлимдаги қизил гулни
тутаман.

У ёқа ушлар:
«Эй тавба дейдиган кунки бу,
Гуноҳкорнинг рўбарўсига
гулдан кўзгу қўюрлар,
Кўзлари кулиб турса ҳам,
қабогини уюрлар...»

Сўнг худди гул билан оворая
Лекин лаблари қимтилган,
кўзнинг қири
биз сарига интилган...

Ёмгир эса умр дегани —
шу тоза чаман узра ёга-ёга адо бўлсин;
офтоб эса ҳаёт дегани —
шу тоза чаман узра
ёрга ёлчиган йигит кўнглидай тўлсин;
осмонли, баҳорли, булбулли ёруғ жаҳон
бодомдай эрта гуллаган менинг умидларим билан
шу тоза чаман ичра
бирга-бирга боғи кўкариб кулсин...

* * *

Олма гули пайтида завқлар бўлакча:
Меҳнат билан шижоат енгин шимарар,
Юрак ёниб яшнайти, гўёки лаҳча,
Қизлар вафо ипагин нозик ҳимарар.

Субҳидам саломидан хурсанд уйғониб,
Қуёшга рози боққан серфарзанд аёл.
Эларо ном қозониб Ризамат соний
Ҳар куртакда жаҳонни яшартирган чол.

Ҳофиза овозида пайдо камалак —
Севгию садоқатнинг шарафли куйи,
Ўзи лолақизғалдоқ, сочи жамалак
Нодирахон синглимнинг бедахл ўйи,

Омихта гулу офтоб, ошиқ яллеси,
Ҳаёли қувончлари башариятнинг,
Экмоғу ундирмоқнинг ширин палласи —
Ёришган тонглари дир яхши ниятнинг!

Умр ҳам чорак аср қорасин олди,
 Гўё асад барин тутган саратон.
 Бўтана анҳорлар тиниди-қолди,
 Ниҳоят, ақл-ла тил топишди жон.
 Сабру қаноатнинг нимкосасини
 Кўрмоқни ўрганди сермурод хоҳиш.
 Жонон пиёланинг жозиб сасини
 Қизнинг овозидан фарқлар энди ишқ.
 Дилни орзиқтириб ўтади алла,
 Нозанин хаёллар ўғирлар ҳушни.
 Барглар орасидан кулган гунчалар
 Қориштириб қўяр ўнг билан тушни.
 Думбул фидойилик васвасалари
 Кузатиб қўйилган шўх қаҳ-қаҳ билан,
 Дил ўзани чуқур тортгани сари
 Ром айлар булбул ишқ, оҳ, чаҳ-чаҳ билан.
 Умр ҳам чорак аср қорасин олди,
 Гўё асад барин тутган саратон:
 Жон-ла чиқар бўлиб ўрнаша қолди —
 Орзудай борлигинг эгаллаган тонг.

Мажнунтолнинг эгма новдаларини
Қорасувлар кўзи билан кўрсангиз —
Англардингиз мени.

Турналар кўчганда,
Мезонлар учганда,
Симоб каби эриб, болқиб турсангиз —
Англардингиз мени.

Нозанин тераклар барг ёзган лаҳза
Кўзингиз намланса завқнинг зўридан —
Англардингиз мени.

Ўт бўлиб қўлимдан тутган чоғингиз,
Тушунсангиз тошлар, юлдузлар тилин —
Англардингиз мени.

Бемаҳалда босган сел, жалалардан
Асролсангиз гунча бокиралигин —
Англардингиз мени.

ТҰХТАСИН ЕКИ ОДАМЗОД ФЕЪЛИ

Бир бог кўрди тонготар пайт:
сувсизликдан қуригандир илиги,
рангпар барглар кун нурини қайтаролмай ётибди...
Шошмай тўнин липпа урди:

«Бир иш қилсак, Тўхтасин!»
Бир қулоқ сув ҳайдаб келди ташна боққа илиниб.

Бир шам кўрди ой ботар пайт:
сўхта бойлаб пилиги,

Бор ёруғи соясига ботибди...
Заха бермай тозалади у пиликнинг сўхтасин:
Ой туққандек бўлиб қолди — шам экани билиниб.

ШОИР ҲАМЗА ЕДИ

Бир куни тонг олди эшитдики,
бир чинор новдасига дерди:
«Новдалик ҳам эви билан,
энди чинор бўл, бўтам!»
Шунда у қалбан унди.

Қараса, бир қизил гул — чаккага тақса таққулик,
узди-ю чаккага тақди:
Лекин куни дастурхони теграсида ўтадиган мусича
тумшуғини қаноти остига беркитиб туриб:
«Э, юртбузуқи...» — деди
Шунда у дунёга қараб, сал жилмайиб, хўрсинди.

Қуёши тиккага келган сари
наҳрлардан ошди,
чўлларда дарёдай шошди —
Шунда: «Энди оламга келгандекман»
деган хаёл элтди уни.

Улуғ шаршаралар оқимиға
кўзини, сўзини, юлдузини тутди.
Шунда: «Энди оламга келгандекман»,
деган хаёл элтди уни.

Бу боғларни у ўн тўрт кунлик ойлатиб қўйди,
Бу гулзорни у тароққос бойлатиб қўйди,
Шунда: «Энди оламга келгандекман»,
деган хаёл элтди уни.

ЧАВАНДОЗ ЧОРГОҲИ

— Орасидан туғилгандан
ёвбош ухларкан Даврон-кўпкари.
— Қанақа от ўтди,
қайси уста қоққан тақасини,
суворийси ким... —
уйқу ораси кўриб ётади-да қулоғи...
— Уйқуси келмайди
болишининг тагига
қўймаса отининг юганини.
— Шу Даврон-кўпкарига
оғироёқ кунлари
туш кўрибди раҳматли волидаси:
юлдузга сапчиб турган бир отни
таблаларига боғлабди
ҳазрати Бобо Қамбар.
— Нечун унда...
шунча Даврон-кўпкарилиги билан
ёли сағрисида тошиб турадиган отини...
— Э, қўйинг,
мен сўзламай,
сизнинг ичагингиз узилмасин...
... Даврон-кўпкари
хоб аралаш илғаб қопти:
Ойвош мазор¹ қиялигидан
эшитилаётган эмиш —
отининг дуқури...

«Воҳ!» — деб, ирғиб турибди
таблага бўйламабди ҳам,
янглишдим, деб ўйламабди ҳам.
Бақриб уйғотибди укасини:
— Қулоғинг остингда қолдими,
мунча тошдай қотмасанг, жон ука,
Отинг...
Қолган гапни илғолмабди
сарпойчан югуриб чиққан Раҳмонқул,
илғгани фақат —

¹ Ойвош мазори — Фарғона область, Киров райони, Шотўра қишлоғидаги кўҳна қабристон.

қамчи захрига чидамаган отининг
тайсаллама дукури...

У ёи чошган Раҳмонқул,
Бу ёи чошган Раҳмонқул,
Хаёли қочган Раҳмонқул,
Хотинини уйғотиб,
Чироқни тошган Раҳмонқул,
Қараса,
ўз отининг изи бор
акасининг оти —

ўзи ҳам йўқ,
изи ҳам йўқ...

«Хе, аттанг-а,—

деган Раҳмонқул,—
отмисан от эди-да ўзиям отим...
Кечқурун йўнғичқа солаётганимда,
уч-тўрт пишқириниб қўювди,
бир балони сезган экан,
Ғиротдан қолган ёлғиз туёқ — шу эди,
буни ҳам
кўп кўрди
худованди карим.
Уни ўғри урган бўлса,
қувиб етоларми остидаги шу оти билан
боёқиш акам...»

... Кўпқари эса оти билан ўғрисиға
етай деб қолган бир палла!
Ёмонлагурнинг этагидан
тутай деб қолган бир палла!
Қон қусгурнинг қулоғу бурнини
бутай деб қолган бир палла!..
Қамчини тишиға тишлаб,
хинноғига қўл чўзмоққа шайланган асно
кўзи тушиб қолибди
ўзининг остидаги отга...
Қараса,
икки жаҳонда кечириб бўлмас иш эмиш,
Қорақашқани қувиб етаётганмиш
укасининг хосакиси...

Даврон-кўпқари
хотинини бировга муччилатиб,
ўзи қараб тургандек бўлиб кетибди:
— Хе, ит туққан,
бақирибди у,—
қулоғининг учини қитиқла,

қулоганинг учини!..
Кўз очиб юмгунча,
ер ютиб кетдим
ё арши аълога ўтиб кетдим...
Хайтовур
гойиб бўлибди Қорақашқа!..

Отини йўқотган чавандов
қайтган маҳали
бутун қишлоқ кўчиб чиққандек өди
унинг йўлига:

У ҳеч кимга қарамади,
«Ҳа»га «бе» ҳам демади.
Жиловни

укаси томонга иргитиб
айтгани фақат шу бўлди:

— Етиб бўларканми
шу жонивор билан
Қорақашқадай отга...

— Туз тотмай,
кўкрагини захга бериб
уч кун ётди-да, шундан кейин...

— Кеча кўрдим Даврон-кўпкарини.

Ботинининг куюги
зоҳирига уриб кетибди —
кўзинга қарагани қўрқади одам.

— Қосимбой Миралига қизини бермаганда,
Тўнаой заҳар ичиб ўлганда,
шунақа бўлиб қолганди Юсуфдек йигит...

— Тунов куни
пича қарз кўтарди мендан Раҳмонқул,
«Ҳа, бахайр», — дедим.

«Э, — дейди, —

Аббос, акамнинг кўзини шамгалат қилиб,
Қорақашқага қўйиб олган экан қирчангисини.
Акам бари бир сезган экан...

Шунга...

Аббос, отасининг нархини айтиб,
йўлатмай турибди...»

— Бўрини эсласанг,
қулоги кўринади...

... Сухбатдошларнинг кўзи
чақнагандай бўлди.

Бош иргаб,
гузардан Даврон-кўпкари ўтмоқда эди.

Юрагим ҳашириқди, уйғониб кетдим,
 Кўз очиб юмгунча ишқомга етдим,—
 Ҳозир, тонг олди,
 Ҳандалак бўйли ёр, чилги ранг олди.

Сал шошиб қолганим сөзди-ёв чоғи,
 Кулгудан қимтилди гунча дудоғи,—
 Ҳозир, тонг олди,
 Ҳандалак бўйли ёр, чилги ранг олди.

Бир куйлаб берди денг булбул хушовоз,
 Атиргул сояси кўзга босди ёз,—
 Ҳозир, тонг олди,
 Ҳандалак бўйли ёр, чилги ранг олди.

Сарвиноз қўлдошим, кўзингиз очинг,
 Соҳибкор бошидан сочқилар сочинг,—
 Ҳозир, тонг олди,
 Ҳандалак бўйли ёр, чилги ранг олди.

Тош отмадим зугум билан наҳрга,
 Жонзотларни олмадим ҳеч қаҳрга,
 Бузганим йўқ болни қотиб тахирга —
 Ишқнинг нури тушган ахир баҳрга!

Қутдим кўклам кулгуларин ҳар қишдан,
 Бездирмадим ою кунни болқишдан,
 Жоним энчи мужда келса зўр ишдан,
 Бир ирмоқдек пайвастаман баҳрга!

Қутиб олдим селдай тошган ёзимни,
 Ойдинкўлга эга қилдим ғозимни,
 Қўнгли жаҳон этсайдим сарвинозимни
 Бирга боғлар бағишласак даҳрга!

Гул бошида серюлдуз кўк чаҳ-чаҳлар,
 Мўл йўл юрдик, висол бизга роҳ сақлар,
 Гоҳо улов, гоҳо умид оқсоқлар —
 Бир сакталик йўл боғлайди баҳрга!

Офтоб чиқиб, ой айбини ёпади,
 Гиркўк йўқми, қорабайир чопади,
 Иқбол қуши қўнарга бош топади —
 Қунтуғмишлик тушган бўлса маҳрга!

ЭРТАКДАГИ ОҒАЙНИ

Арқонни уаун ташлаб қўйдим;
оёғидан тушовлаб қўймадим шимолни —
борар жойи — қаер экан,
мен бир кўриб қўяй...

Этак тегса, қирқиб қочиладиган
тиканзорга кириб қолдим
кўройдинда йўл йитириб;
исоқгўй қуши ваҳшат қилиб,
қаттиқ сайрар эди теннамда,
қўлимдаги қарчигайни: бор, тутгил, деб

аввал унинг юрагига
бир қўл солиб кўрай...

Учирмадим —

Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёпдилар,
Изғиринлар бойчечакнинг
Қобогин зўрлаб ёпдилар.
Яна қандай кароматлар кўрсатар, деб турмадим —
ёвуз изғиринлар —
марг бўлди қўлимда...
Пичоғимни бир-икки
тупроққа суқиб олдим...

Шу азгу бошоқлар унган Ватан
тонг бўлиб отади...
Чили далаларида бугдой, юракларида муҳаббат
ҳар тўрт фасл бошоқ тортади...
Инак бўлиб ҳимарилган бошоқларининг
кузи хайрли бўлгуси,
фарзандлари қалби қат-қатидаги ҳилол Озодлик
ой бўлиб тўлгуси!..

... Темир панжаралар ичида,
еб тўймас қамоқхоналар ичида туриб,
эшитяисаими мени, азизим Чили,
Ленин ҳаётининг давомларидан бири
коммунист Набло Перуда —
шу ҳаётбахш шеърят кўзлари билан
биз тарафга бир назар ташла:
бу ерда

Сирдарё, Амударё, офтоб
соҳилларида
айни сунбула ҳозир,
пахта ойдинидан тонглар ёйилган сари
димогни ёргудай пишиқчилик сарини.
Мезонлар

илашмоқда турналарнинг қанотларига;
ёзмоқда боққа кирган куз қизининг ҳайдарини
сунбула сувларининг ҳалима овози...

Малоҳатли оқ гуллар иффориси баҳона,
босиволди, оқ қовуш, қанд қовунларнинг
лалми ерлар кўзини:

«Сой-ку... мен», — деб куйдирган,
шаъби ялдо кўзини:

«Ой-ку... мен», — деб куйдирган,
боланинг кўзини:

«Той-ку... мен», — деб куйдирган
кашмири иси баҳона,

ақиқ гулбаргларнинг
сачраётган қирмизи баҳона
қарияларга умрзоқлик, қизларга ҳусн,
йигитларга фарҳодлик
улашиб ўтар,

фасл фароғатин тенг бўлашиб кетар
оромижон шабадалар, равон шабадалар,
жон шабадалар...

Мен

юртимнинг шу мўътабар шабадаларини
сенинг ҳузурингга йўллайман,

токи

иродангнинг баҳри-дилини очсин

малоҳатли оқ гуллар ифориси.
Бир тансиқ хандадек руҳингни эркалаб ўтсин
босиволди, оқ қовун, қанд қовунларнинг
лалми ерлар кўзини:

«Сой-ку... мен», — деб куйдирган,
шаъби ялдо кўзини:

«Ой-ку... мен», — деб куйдирган,
боланинг кўзини:

«Той-ку... мен», — деб куйдирган
кашмири иси...

Ўртага туз қўйиб опа-сингил тутинсин
ўчоғингнинг ўчмаган ўти билан
боғимдаги ақиқ гулбаргларнинг
сачраётган қирмизи...

осиб ўлдирмагани ой билан кун қолди,
босиб ўлдирмагани туш билан арвоҳ...

Очарчилик супра қоқди қилган
қазноқларни кўрганмисиз:
ичига қўлингизни суқсангиз,
енгизнинг изи қоларди...
Ўшанақа қазноққа
ўхшадно юрт —

ҳукми силлиқ юргандек бўлди
подшоинг...

IV

Мискинмижоз экан
афсонасоз...
Ичига қўлингизни суқсангиз,
енгизнинг изи қолар қазноққа
ҳеч вақт ўхшаб қолмас,
на халқ,
на юрт!
Сигирнинг думига қараб,
кўкламга етмоқ пайида юрган
кунларида ҳам
юрагидан ўтган дарёлари
қуримас халқнинг.
Арқонлар узилганда,
ипаклар чўзилганда
терлаш тугул, минган бедови
қулогига нам чиқмас.
Ҳа,
бу нақл иморатин қурган уста
эшикнинг ўрнини ҳам
ғишт билан уриб қўйибди.
Лекин хоҳ лаҳим қазиб,
хоҳ қуш бўлиб туйнукдан
чиқиб кетган ўша заҳоти,
ҳар қалай,
бир тун бўлсин тунаб қолмаган
бу бадбин иморат ичида
биронта ҳам халқ!

Ишқининг оби тобида
Хотамдан хотам эдим,
бамисоли хобимда
шу мард сўзларни дедим:
«Қуриб ётган ўзанилар,
қоним бахшида Сизга,
Субҳидамлар-сўзонлар,
жоним бахшида Сизга.

Гўё тили тагига
тош жойлаган юлдузим,
шу гунглик аламига
Сизга керакмасми сўзим?..»

Мен кафтда симоб каби...
Ярқирар жоним ҳалак,
Шаҳдим синдирмай зарби
учиб ўтди капалак.

* * *

Муроду толенинг ёр бўлган фасли
Хандон баҳорига шароб сунади.
Йилдирим нафасли, оқ ёмғир сасли
Қўнгли куртаклари чақнаб унади.

Юлдузга ўрлаган гулхан гуллардан
Унга ўт кетару жаҳонни тутар.
Бир шабнам кўйида куйган йўллардан
Табассум сувратли барнолар ўтар...

Мелибек ота раислик қилган
 колхозга йўлим тушганда,
 майса бугдойлар мендан
 раҳматли раис тили билан
 гап сўрагандай бўлди,
 кўклам шамолини еб,
 ўйноқлаб қолган қора сувлар
 унинг кўзи билан
 қарагандай бўлди...

Қани энди
 кўзларини жонлантириб беролсам!..
 Эзгулик элчиси эди у кўзлар...
 Умр бўйи
 икки кўзи — эл-юрт кўзида,
 эл-юрт кўзи — ўзида...
 Ўрта бармоғидаги
 феруза кўзли узукни
 беихтиёр айлантириб,
 қошларини андак кериб
 тапиришлари
 шундоқ кўз олдимда туради...
 Бир ўтди-да у одам...
 Юлдуз тўла осмон эди бағри, десам,
 осмоннинг обрўйини
 ошириб юбораман...
 кўриб турибман, иним,
 мўйловингиз ичида
 ним кулгу ғимирлаб юрибди;
 айтинг, ғимирламасин:
 кўкламги дарахтнинг баргига бир қараб ўтиб
 бу йилги қишнинг қандай келишини
 мен сизни кўриб турганимдек яққол кўрадиган,
 битта тугмачани босса
 ерни ўқидан чиқариб юборадиган,
 япроқ яшиллиги билан тинчлик,
 ҳавонинг тозаллиги билан саодат.
 офтобнинг оламшумуллиги билан ҳақиқат
 жонимнинг ялакатмағизи, деган
 етти қодир ўғилнинг;
 боши устида алла айтса

өшитганин сөл қиладиган,
ўчоғидаги ўтин,
тувалиғидаги туани
ота қути билан она сутидай
аана биладиган,
ойдек ёрининг ойдини,
кундек ёрининг кундузи —
етти подира қианин Мелибекдек отаси
бўларин билиб қолса,
ҳар қандай осмонингиз ерга тушиб,
бирон қиан бор — пози борининг
остонасида тунарди-я!
Ана, маана шунинг учун,
юлдуз тўла осмон эди бағри, десам,
осмонинг обрўйини
ошириб юборган бўламан,
жон иним...

Бир куни
остидаги кўк йўрғанин,
бу дунёда бошқа йўқ йўрғанин
белини майинштирибгина
дала айланиб юриб,
пайкал устида
авжидан адашмай учиб турган бўзтўрғай,
парвозида базми жамшид қурган бўзтўрғай
қўшиғининг гаштини суриб,
мундоқ қараса,
от устида эгат оралапти
қўл олишган мусобақадони
Хол раис...

Э, худога шукур...
Хол раисни билмаганлар
топилар экан...
Мўйловидан бир тук юлиб,
дарёни боғлайдиган бу кишининг
кимлигини
ушбу воқеани эшитиб,
биласиз қўясиз, иним:
шу десангиз,
Шўро янги тузилган...
Маматбой деган чоракор
колхозга бир оти билан кирганки,
бу оти ётса турмаган,
турса юрмаган...
Уни аравага қўшадиган мард чиққунча,
бошда дўппи неча айланган!..

Сўнг ҳеч ким иш чиқаролмаганидан
«чиқмаган жондан — умид», деб раис
ўша серсавдо отни
Холмат акага пешкаш этибди:
«Бор, сен миниб юра қол...»
«Э, минсак, минибмиз-да», деб
янги тайинланган аравакаш,
отни аравага қўшибди,
аммо «чух» дейишдан аввал
арава шотисининг ҳар икки ёғига
бир қулоч-бир қулоч ёғоч улаб,
отнинг нақ тумшуги тагига
ҳозиргина ўрилган бир боғ бедани
осиб қўйибди,
от бедага қараб
юриб умтилар эмиш,
йўргалаб ҳам,
югуриб ҳам...
Қани энди жониворни
тушовлаб-да тўхтатиб бўлса!..

... Хол раисни
унча жини суймас,
устига устак,
ундан газабланиб юрган эди
Мелибек ота шу кунлар:
мусобақадошнинг колхозида
бир боғ бор эди —
боғмисан боғ..
У боғдан бир ўтган сабо,
шабада ё насим
эсиб қолганда,
тахтиравон устидаги Шириндай
унинг қанотида кетаётган ёз —
салтанатин кўрган киши
ўз-ўзидан ёҳу тортиб,
кўкрагига урарди...
Тирговуч қўйилган оқ шафтолилар
ларзонга кириб турарди...
шу боғга
трактор солдириб,
ерга қўшиб юборибди!..
Ё бирон балойи нафс,
ё планни
хатда йўқ майдон ҳисобига ошириб,
газетага тушишнинг
илинжида бўлган-да,
эски туллак.

Бундан хабар тошиб,
отанинг куфери ошиб юрганди,
яхши бўлди,
суз билан тузлаб,
андак ҳовридан тушар...

Мелибек ота
Хол раисга
қаттиқ тикилиб қолди:
ёспирай,
бир нигоҳки, тошни ёргудай...
Шу палла Хол раис
оҳанрабога тортилгандек,
ялт бурилиб қаради...
Бир-бирининг кўзига
синчил тикилиб қолди
ҳар икки йўрғакда теккан қайсар...
Астағфирулло...

Илқисдан
Хол раиснинг бужурлари
кўрар кўзга қолди билиниб
тариқ қўйсанг,
тургудайин илиниб;
ушанда кўрсангиз бужурларин:
мойил бўлаётган мусичанинг
ўйнаб чиққан бўтакаси
қат-қатига тошган холми, дердингиз...

Бирдан
икки кўзи дув ёшга тўлди,
чаноқларни авайлаб,
оёғини узангидан уздию,
жиловни тирсагига солиб,
ерга боқиб кела бошлади,
Мелибек ота истиқболига...
Пайкал устида
авжидан адашмай учиб турган бўзтўрғай,
парвозида базми жамшид қурган бўзтўрғай
лип этдию
марзага тушди,
босиб-босиб сайради-да,
жим бўлди,
зим бўлди.

... Мелибек отанинг колхозига
ўша, йўлим тушганда,
раҳматлининг беваси
Мастурабиби холани

виёрат этдим;
ёш болага ўхшаб қолади-да кексалар,
хола аввал бир сидра
йиғи-сиги қилди,
хайрият,
кейин бирдан чеҳраси очилди:

«Раҳматли онажоним-эй,
қурбақа қуриллаганин эшитса, бошини
ерга уч марта уриб оларди:
бош оғриғи ерга уриб,
суяғи енгиллаб қоларди...

Кеча билдим:
турп бузилибди...
Чоғи,
юлдузларга тагин зор бўлиб,
Қурбақалар кўзи сузилибди...
қуриллаб қолишар бу кеча...
уззутун
ботинида ой ботмай ётди
Мастурабиби холагиз —
юрагида бодом гулига
тахи бузилмаган сеши...»

• • •

Сабо... эсиб бўлдингизми?.. Алвидо!
Гулга кирган бодом шохи қайрилди,
Гулга кирган ором шохи қайрилди —
Сабо, эсиб бўлдингизми, алвидо!

Сиз кулдирган сониялар кулмоқда,
Бодом гули гиргиттони бўлмоқда...
Лекин юрак юпанчидан айрилди —
Сабо...эсиб бўлдингизми?.. Алвидо!

* * *

Бинафша келтирди... «Бекор узибсиз...»
Нилуфар келтирди... «Тинчин бузибсиз...»
Ўзи офатижон,

қийиқ-да лекин!..
Наъматак келтирди... «Бўлибсиз ҳалак...»
Қизғалдоқ келтирса, парвойи палак...
Шошиб келувдию... узоқлар секин.

ТҮРТ КҮЗ ТУГАЛ БҮЛСИН

Ҳар йигитларки,
оёғини оёғига урганда,
нариги маҳаллада
от дупури гулни гулга қўшар,
бир кечиб ўтган дарёси
етти куну етти тун
юлдузларга чирмашар...
Ҳар қизларки,
қавс сувига ювинтириб,
катта қилган онаси:
феълида ҳам, жонида ҳам
губори йўқ...
Мана шу кўрар кўзлар бор экан,
ҳаётнинг ҳамиша косаси тўлиқ!..

ПОДШОНИНГ ЗАНЧАЛИШ ЎҒЛИ ВА ҚИРҚ ЙИГИТ ТЎҒРИСИДАГИ НАҚЛ

... Ўйлаб-ўйлаб подшоҳи олам
эсар қирқ йигитини —
мардлигу ишқнинг хутини,
жавзосини, ёзги чилласини,
жунуннинг қуримаган силласини
қўшинидан айирибди:
«Шулар билан бўлса шаҳзода,
ўнгланиб олар...» — дебди.
Э аттанг!..
Бир куни келиб,
қайси кўз билан кўрсин:
аввал ўт сочган кўзлар сузгун қуралай эмиш,
«вой, ўлай...» деб қиздек буралар эмиш
шаҳзода қаватида қирқ йигит...

ГҮРҮҒЛИ

— Калтак ўқталганга чўқмор кўтардим;
Туққанимдек кўрдим ерни ва кўкни.
Аммо битта бадбахт ҳаддини билмай
Аравага қўшмоқ бўлди Ғиркўкни.

Дарё эмасману — ўшанда тошиб
Ғиркўкнинг пойини ювиб ётганман,
Ҳам қайсар пўртана ваҳшати билан
Бадбахтнинг кўзларин ўйиб отганман!..

* * *

Манов жойда қоим чинор,
Паноҳида қайнарбулоқ бор эди.
Ҳазирама, қора ёмғир, қувса қор
Қора тортиб келгудай дилдор эди...

Ўн йил оша яна келдим соғиниб:
Тонг тупроқдан отган янглиғ пахтазор...
Турмоқдаман нуридан кўзим тиниб,
Ҳар чаноғи қатордаги битта нор.

Қулоқ солдим: сусайган, парда-парда
Эгат билан битта барглар сасига.
Мезон учар йилтираб ҳаволарда,
Чирмашгунча тутларнинг новдасига...

НАРГИСГА ЭРКАЛАНИШ

Юлдуз билан руҳ оғайни кирди,
сайр қилиб чиқди сувлардан қундуз,
юлдузга тушди бақанинг ишқи,
бақага тушди ялпизнинг ишқи:
шунда отим ёлин тарасам,
сағрисида тошиб кўпирди...

Ўрик гулин аяб, ел тинди:
Меҳрим ийди,

мен ёримни соғиндим...
Қоратоллар ўғлим беланган
бешик бўлиб кўринди...
Буғдойзорга термулиб турдим:
«Мен — синглингман», — деди буғдойзор:
дарёликни ўргатди менга
дарёлардан ёйилган тонглар.

Нафасимдан қора райҳон тўкилди...
Пироварди, сел бўлиб тошдиму
аслимга қайтолганим йўқ,
ўз васлимга етолганим йўқ...
Сал тинита қолай ўзимни,
мослаб олай фаслларга кўзимни —
кўзларингни бериб тур,
наргис...

Минг офарин, шўх жарчи чилдирмалар,
Минг офарин, хумор кўзда сурмалар,
Минг офарин, «бўл, ўйнагин, турма»лар,
Қовоқ уйиб: «кўрганинг билдирма»лар —
Қутлуғ бўлсин, ишқ навбати келибди!

Ёз олди пайт, тош қизиган кунлардир,
Юлдуз пойин манзил тутган — тунлардир,
Юракни сел қилган — лайли унлардир,
Туш деганинг: ёр тортиғи — мунглардир,
Қутлуғ бўлсин, ишқ навбати келибди!

Минг офарин, жононларнинг зуҳроси,
Ўлдириб тирилтирар бизни нози,
Минг офарин, бўсанинг баҳор-ёзи,
Минг офарин, муҳаббатнинг пешвози —
Қутлуғ бўлсин, ишқ навбати келибди!

АДОЛАТОЙ ОНА

*Ота-онамга — Қўшмоқбой Шерқул ўғли билан
Адолатой Қўшоқбой қизига меҳр билан бағишлаганим*

— Эсингина тутларимиз ўтиб кетди!..
Сунбуланинг тунги осмони
оқ тут бўлиб ўсганми.
ё оқ тутлар осмонни тўсганми?..
Энг аввал тутни чойшабга қоқиб,
бир сидра оқ тут билан
юзимиз чайр эдик,
хумларга қўяр эдик...

Тутталқон шундай асл, куврак бўлардики,
учириб олиб ер эдингиз.
Тутталқондан бошқа
қора етим дегани ҳам бор.
Кунжутга қозонда тоб бериб,
қора майиз, тутмайиз, ёнғоққа қўшиб,
келига солиб туярдик,
тўярдик.

Жувоз ҳайдаганда чиқардию каллакунжара —
ёғи чиқиб,
худди ўшанга ўхшаб қоларди.
Одам дориликка оғзига оларди.
Энди қаердан топасиз уни?
Шунинг оти — қора етим.
Ҳозирги шоколаддан минг ҳисса яхши эди.

Тутдан гап чиқди,
ипакни айтмасам бўлмас;
иккам қирқ йил қурт тутганман,
ғанг шимитиб тутганман.
Катта даҳадан кейин ҳар куни
бир маҳалги баргни кам бераман, денг,
Жуда иштаҳага кирган вақтлари эмасми,
тутнинг қобиқларигача еб юборади
жониворлар...

Пиллани шунақа қаттиқ ўрайди —
тошга ўхшайди...

Барг солсангиз,
бўлиқ қуртлардан
шовуллаб шарват оқиб туради.

Шовуллашини эшитсангиз, сел келгандай,
Шарвати
эмгирга ўхшаб томади шитир-шитир.
Поллар ивиб кетади ёмгир ёққандай,
Шовуллашини эшитсангиз, сел келгандай,
сел узоқдан сиёсат қилгандай,
тушингизга кирса, қўрқмай қолмайсиз,
лекин юлқиниб бағридан чиқолмайсиз...

Қурт дастага кирар вақти
чимхўр бўлиб, суस्ताб қолади,
бир кун ноз уйқуни олади;
чумолига, мошга, кичик даҳага, катта даҳага
ухлагани ҳам бир — шу ноз уйқу ҳам бир;
даста кўтарилади ана энди;
қайрагоч, бақатерак, гўзаноя,
куруқ тол, сунурги — дастабон;
қурт тиконли новдаларни яхши кўради,
янтоққа, ялоқжийдага
чамаи-чамаи ўрайди.
Ўрамагани дув этиб,
сайллагани чиқади.

Шунда ҳўл тол ташлайман.
Қуртнинг тафтини олади ҳўл тол.
Ўрамай юрганлари бирдан шовуллаб,
чимматдек ўраб қўя қолади;
лекин қурт қоғозга ҳам ўч...
қоғознинг ҳидини олса
ахтариб бориб ўрайди ўшанга.

Даста қўйганда, белни боғламаса,
хипча бел бўлмайди пилла.
Кулиб, шўх бўлиб юрмаса,
кампир шафтоли еб бўлгунича ҳам
ўраб бўлмайди...
Кулманг...
Мен Аюб пайғамбарнинг¹ қизи бўламан-а,
қуртнинг тилини биламан.

¹ А ю б п а й ғ а м б а р — эски ақида бўйича — пиллакорлар пири.

* * *

Биламан,
мен ташлаган фикр, умид, жасорат уруғи
мендан кейинги етти пушт авлод умрларида
тўла ҳосилга киргай —
менинг умримда тўла ҳосилга кирганидек
камида етти пушт нари аждодим ташлаган
фикр, умид, жасорат уруғи.

Биламан,
шу отамерос эзгу анъана
боғини кўкартирмоққа
жонимни ҳам фидо қиламан.

* * *

— Унга боқсам, ичларим куяр...
— Кўзларини кўришдан тияр,
Ўроғини ўришдан аяр...
Шунга кўзи қандай ҳам қияр?

На булбулга қўшилиб сайрар,
На гул билан чақчақлаб яйрар...
Шунга кўзи қандай ҳам қияр?

Фарқсиз унга рознинг «ға-ға»си,
Бошоқ билан қамиш қўғаси...

— У, бу дунё «ҳарамоға»си!..

ҚАҚНУС ТУШЛАР

Жавлон тракторчининг тушида
кар бўлиб қолган қулоқлари
аввалгидай эшитди;
оёгини
урушга олдириб келган Дадахон дорбоз
шаҳд билан дорга чиқиб кетди...
... Бу шоир тушлар
ҳазрати Навоийдан
бир нақлни эсимга солди:
эмишки,
қақнус деган қўшиқчи қуш
кетар вақти гулхан қалаб
ҳеч сесканмай унга киради,
гулхан аро сайраб туради;
кекса қақнус кулидан алҳол
учиб чиқар янги бир қақнус...

ЖАМИЛ БИЛАН САВРИХОН

Хулкар туққан маҳалга менгзай
Жамил девкорнинг кўзлари...
Лекин ўзи «ичимдагини топ»;
маъракаларда
баъзан бирор оғиз
гапирса гапиргани,
бўлмаса йўқ,
кўзларини парширатиб,
мўйловини силаб ўтираверар —
гурунглашгани ҳам шу,
гурунглашмагани ҳам...
Ўқтин-ўқтин хотини
тўлиб кетганда:
«Вой, бир калима гап
ҳумо бўлмай ўлсин,
оғзингизга талқон солгансизми,
жон дадаси?»
деб йиғламсираса,
ёриша қолар чехраси —
ой ботмай,
тонг отадиган
кунлардек...
Саврихоннинг ҳажрида
куйиб юрган йиллари
хўп ном чиқарган
азамат...
Маъшуқаси ишлаётган пайкалга
ё тушлик қилаётган шийпонга
ўзини урарди-да,
чордона қурарди-да,
кўз қирини узмас эди
шусиз ҳам
қочгани жой тополмаган
қиз бечорадан.

Тўғри юрган кийикнинг
шоҳидан бошқа оғири йўқ:
Аммо Саврихоннинг
нима гуноҳи борки,
на кунда ҳаловат бор,
на тунида...

Кўклам кунлари
кечаси билан
ернинг таги гурсиллаб чиқади,
сал позиклар

бослиқади...

Нимкосадан хабари бор шўхроқ жувонлар-
арига уйқу аралаш жилмайиб:

«Биз ҳам куйдирдик, дебмиз-а...
Саври қурмагур-э...

Куйдириш мунақа бўларкан...
Жамилвой ухлаёлмай

ер ағдаргани ағдарган..» —
деб шивирлаб қўйишади.

Терим кунлари
қиз боёқиш терган пахтасини
бошига қўяр-қўймас,
ердан чиқадими,
кўкдан тушадими —

Жамил пайдо бўлади бехос,
бошидаги пахтасини
шарт елкасига олиб,
зингиллаб кетаверади...

Шундан кейин,
кун бўйи
тегажоқ хотинлар орзида сақичдир
ҳар иккиси...

Бе,

кўргиликлари кам экан,
қирови тўкилмагани чиқди:
Қумлоқ маҳаллалик Гофир отанинг
бир сайроқиси бор эди,
у бедана сайраса,
инига уриб кетарди булбуллар,—
сайрамай қўйди шу жонивор.
Гофир ота бир кун тутақиб:
«Жамил бўлиб қолдингми,
оёгинг осмондан келгур...» —
дебди;
ана ҳангомаю,
мана ҳангома...

Бир куни

теримдан қайтаётган қизларга
илашиб олди Жамилвой;
жўрттага йўталиб,
қизлар ҳиринг-ҳиринг кулади,
баъзилари ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ:

«Саври...» — деб қош қоқар,
бу билан
нимага шама қилмоқчи бўлганини
билса, битта шайтон билади...
Дабдурустдан улар дув этдию
иккисини кейнида қолдириб,
зипиллаб кетишди...
Жамилвой йўталади ҳадеб,
Бир балолар демоқчи шекилли
қўлини шоп қилади,
лекин гаширолмайдн яна:
шунда ер тагидан
илҳақ қараб қўяди Саврихонга,
кўзлари тўла гина...

Ажабо...
Тилга кирди бирдан:
«Саврихон...
Кеча нонушта қилиб ўтирувдик.
Ариққа ювингани чиққан
Комилжон укам ҳовлиқиб келди:
«Ая!
Мен қизил балиқ кўрдим.
Қарасам,
сувнинг тагидан ўт чиқяпти:
аграйибман-қолибман...
Зўрға эсимни йиғдим».
«Вой, афанди болам...
Беҳи пишганига қанча бўлдию,
балиқ қизармасинми?
Балиқ қизариб пишади-да.
Ё қудратингдан...
Шу кунлари ишим
Саврихонни ўйлаш бўлиб қолган;
яхшининг шарофати
ўзидан бир чақирим илгари юрар...
Илоё, кўрганинг тўйга буюрсин!»
Шуни Сизга айтай девдим...»

«Мени
ўлдирсангиз ўлдириб бўлдингиз...
Тилу забонингиз бор экан-ку!»
Ўкириб йиглаб юборди қизгина...
Негадир
кўнгли ёришиб кетди Жамилвойнинг:
Саврихоннинг шу йиғисини эшитиб,
бувижонлар
ая маъжуз кампирнинг шамоли

бугун келади,
эрта келади, деб,
кутиб юрган баҳор чоғлари
шов этиб ёмғир қуйиб қолганда,
чорбоғларидаги қандак ўрикнинг
тагида паналаб тургандай бўлди,
юраги
ёмғир билан ўрик гулининг
нектарига тўлди...

... Саккиз ўғил,
бир қизлари бор;
Жамил айтгани-айтган пахтакор.
Муаллималикка ўқимоқчи эди хотини,
нима қилсин,
этаги тўла бола;
ҳа, майли,
шу жужуқлари ўқир.

Ҳамқишлоқлар унутолмас
уларнинг дostonини...
Бунинг устига,
янги-янги чиқаётган
«Жамилу Саврихонлар»
унутгани қўйишмас...
меҳрим товланиб турса-да,
ёлчитиб айтолмадим,
узр...
Дарвоқе,
Жамил девкор қариндош бўлар
бизга ота томондан,
иннайкейин,
ичкаридагилар кулганига
айвондагилар жилмаяр,
ҳартугул...

— Жийда гулидан ширин гул йўқ;
 ранги сариқ бўлади, сап-сариқ;
 шунақа ширин бўладики...
 Ҳовлинг бўлса,
 жийдаларни экиб қўйсанг,
 гуллаганда анқиб ётади;
 жийда гуллаганда,
 оқ жўхорини экишга бошлардик...

Жийданинг ҳам оти кўп;
 нон жийда, ялоқ жийда:
 қаламшир жийдани
 ҳамма жийдадан кейин қоқиб оласиз;
 кузги жийда ҳам дейди уни:
 қип-қизил бўлиб,
 шира боглаб кетади,
 қўлингизга олсангиз,
 очолмай қоласиз —
ҳа энди кузги жийда-да!
 Меваси бош бармоқдек-бош бармоқдек
 шунақа асал...
 у жийдадан емабсиз,
 бу дунёга келмабсиз...

Вой, деҳқоннинг умри...
 Ўтар
 кўк алаңгаси — офтоб,
 ерининг кўк алаңгаси — экин
 талоши бўлиб...

Болалик алаңгаларин
 Қайси бирида исинай...
 Боғ кўчаларда тўптош ўйнаб,
 боғ ҳовлиларда катта бўлганман.
 Эсимга тушганда,
 алаңга олар соғинчим:
 ишқомимизда
 ҳар ҳусайини узумлар...
 Туради денг оқ қировгача.
 Оғзингизда учади-да карсиллаб...

Боғлар,
полизлар ҳам
одам ҳаётининг рўёби бўлур...
Ҳар бўрикалла қовун
тимсолида
кўра билинг, она қизим,
яратувчи, донишманд
халқингиз меҳрин...
Шуларни ўйлаб,
кечалари бўлинар
ўзи шусиз ҳам
олақуроқ мизғишларим...

Вой, ўтириб хайрлашаман, айланай,
оёғим увишиб қолди;
кириб-кириб туринг, Ойшабиби;
мен қандоқ бўлдим, икки ой касал бўлдим;
дард ўлгур ҳам оёғини тираб,
кетмайман деб турибди...
касал кетса-ку,
кўнглим у-бу тусарди-я,
ҳозир
дард — овқат...
шунчалигига ҳам шукур;
кампирнинг соғлиги
хашак ортилган аравага ўхшайди,
йўлга тўкилиб ётмаса бўлмайди —
пича-пичаси...
Лайлак қор гупиллатиб ётибди,
менинг кўнглимга келади бирдай
жийда гули кунлари...

- Сепин юлдуз қилиб ёйди умид.
- Юлдуз қилиб ёйди!..
- Дунё юзин сутга чайди умид.
- Сутга чайди!..

- Оқ сув уч ой арқирайди-шарқирайди.
- Арқирайди-шарқирайди!..
- Сўнг-сўнг: қораяди, қумланар куз пайти.
- Қумланар куз пайти!..

- Умид ўтган йўлда
қизли уйдагидай фаришта бор.
- Умид ўтган йўлда алла кулар.
- Умид билан ўтган умр омадга ёр.
- Қанддақ бўлар!..

Тонг отмайди;
ўтган умрим кўзларимга кўриниб,
тўрга тушган беданадай уриниб,
ич-этини еяр, оҳ урар нуқул:

«Сени кўриб, мен ўзимга дидладим-да,
шабнамларинг тўкмай узиб, ҳидладим-да,
оқар сувга отдим-кетдим нега, гул?..»

... Ой ботмайди.
Осмон тўла юлдуз.

БИР ЙИГИТ

1

Болалигида —
сувга шўнғиб чиқиб,
қумга думаласа,
баланига қум қандай ёпишар эди:
шундай ёпиша қолди бало!

Марвартак хинидан чиққандан кейин,
пишишдан олдин
бир тўкилиб оладию ҳаромзодалари —
шунақа тўкилди очликдан одам;
бахт бир орқага чопса,
ёмғир ҳам — тилсиз ёв экан:
жийда пишиғи
тўққиз кун чапараста
сел аралаш келди ёмғир, келди ёмғир!
Болахона тоmidан ўтган ёмғирга
уй борми, отхона борми — тоб ташлаб,
шалаббо!..

Уйлар ичида сув бешик-бешик.
Қўтарилиб кетди поллар шишиб.
Жийдалар ҳаммаси — увол,
ер билан битта...
Пўсти, эти уваланиб кетиб,
даваги арчилди-қолди...
Шоли дейсизми, жўхори дейсизми
мола-мола қилиб,
ётқизди, итнинг кунига солди:
ётган кўйи пишди кейин, пишгани.

Ўзи қанақа бўз бола эди!
Ташқарида, сўрида ухларди қиш бўйи.
Қор ёғиб,
устини бир қаричча босиб қолганда,
онаизори қайғуриб уйдан чиқарди:
«Уйга кирақол, ўғлим, қорда ётма!»
«Эндигина терлаб ухлаётган эдим;
уйқумни буздингиз-а...» деб,
уйқуни ураверарди-
келган жойидан тагин.
Онави тупроққа берди.
Қорайибгина

икки кўзи қолди куявериб,
Кейин-кейин...
оч юраверса,
одам совқотар ҳам экан!..

... Белга

битта қотирмани тугди!
Абдурахмон билан бирга
манғиб қолишди ризқ ахтариб...
Қор... Қор... Қор...

Кўройдин...

Уйқуни келтирар:
Қорнинг гарчиллагани,
йилтирагани,
совуқ.

Йўлга из тушибди: итники.

Нима бало,

совуқнинг ранги кўкми,
из тўла кўкимтир шуъла...

Отаси айтарди-я:

«Совуқ бир хира ялтирар,
бир кумуш тусига кирар,
бир кўм-кўк...»

Хаёли тиний-тиний

бўлди қавс сувидек зилол...

Кетаверишди қўлни хуҳ-хуҳлаб, дилдираб...

Бўйни аралаш бошига

таёқ келиб тушмайдими бир палла:

«Ҳе, ҳазилинг қурсин, Абдурахмон!..»

Лекин бу ҳазил эмас эди:

яна бир таёқни

қўли билан тўсди шекилли...

«Бу нима қилганинг, тентак!»

деганини билами,

шу асно

бўйни аралаш

бошига

яна таёқ келиб тушди:

бу галгиси беҳазил:

чақмоқ урса,

бунчалик урмас...

Қандай эси оғганин ҳам билмай

қулади, қотди йигит...

Бир вақт:

«Ит ир-ир қилами...»

Ҳушига келса,

қор устида ётибди шир яланғоч,

қизил қонига биғиб...

тонг ёришиб бораётир.

Ори келди; негадир кўз ўнгида:
ўтган йили кўкламда
хамқишлоғи Алижоннинг
Ойбола қўрбоши ўқиға учгани:

Тоғдан қуюлар лола жилғаси:
қулоқларга тўлади аста
қон тусли саси.
Қон тусли сас?
Жилға?..
Елғон!

Улар — тўртинчилар
хўрлик устига от солган!
Отлиқларки,
қуюндек елар,
ортларидан бир жуфт қоракўз
илҳақ тикилар...
Қароғларда потирлаган жон
ҳумога айланар-да,
кўк сари кўтарилар парда-парда...
Тўртинчилар уфққа сингай деган ерда
бошларига тушар
ҳумо сояси...

Ҳой, рўпарасида ириллаб турган ит,
гажиб ташла тилакларини,
бурдала-сурдала юракларини!
Босилсин азоблари қони тирқираб!
Ёрилсин ҳубоблари жони шарқираб!

Юраги, кар бўл!
Кўр бўл, кўзи!
Тингламоққа, кўрмоққа муносибми
эл бошига ҳумодай
соя сололмаган йигитлик ўзи!..

2

Қулоқ бўлиб кетган Абдурасулнинг
хотини Холидахон
эмизикли эса-да,
санама растадай жувон;
бовлиқдай эшиларга келди иш...

«Қатикъ бир ширин увишти, айланай;
аччиқ ўт йўқ, куа-да...
Сут ундан ширин...
Манови сут
бети бузилмай туриб эди,
бир бурда нон билан ютибгина олинга,
деб қолди бир кунни худо ирлақаб,
то шу кунгача
ўнг қарамай юрган
бўлгуси қайпанаси...
Лекин жуда бошқача чиқди овоан...
Холидахоннинг отаси қаза қилганда,
хола катта йиғи берган,
қулорига қўйилиб қолган ўшандаги товуши-
ҳозир сўзалагандагига ўхшарди...
Отининг ёлини
жиш ўриб кетаётгандек
хит эди йиғит...

(... Бош ургали бедил дарё остонасига
Муштарий юлдузи тушди!..)

... Оҳ тортса, шу Муштарийча тортар —
қизил гул шоҳида булбул;
рўшнолигу жувоимарглик орасида
жон тортса, шу Муштарийча тортар —
кеч кузда гунча туккан гул...
Тушдек

туриш-турмуши буткул.
Тушлари тулпори — орзу яроғи,
тулпоридан йиқилсин тушлари!
Орзу яроғини ўт олдирган,
ўт олдирган имон нигоҳи —
тулпоридан йиқилсин тушлари!

3

«Шодиёна шаҳаншоҳи — акант қарагай»,
деди,
қамишдан бел боғлаб карнайлар
Ўртага чиқди: «Во-ҳо-ҳу, во-ҳо-ҳо...
Катта Фаргона каналини қазамиз!
Катта Фаргона каналини қазамиз!»
Ўша шаҳаншоҳга — бизлар қуда-қудагай»,
деди,

гоҳ шошқин Сир талатумларини,
гоҳ тошқин Аму туятортар гумларини

ҳаволарда резгилаб,
ғам деганни эзгилаб,
балиқ терисига сиғмай
энтикди чилдирмалар:
Така-тум, така-тум...
Катта Фарғона каналини қазамиз!
Катта Фарғона каналини қазамиз!..»

4

Элнинг мен деган йигитлари
елкага кетмонни ташлаб:
«Мана — биз!» деб, келаверди.
Донишманд оқсоқоллар:
«Илигимиз ҳали бутун;
юрагида ёли борлар,
қани сиз!» деб, келаверди...

Яшнаб қизил гуллик пайти,
«Абдурахмонбеги»ни айтиб,
авжининг зўри офтобдан қайтиб,
Ҳалимахоним шу ерда
Сарин ўйинлари кўзларни кулдириб,
пари қўшиқлари кўнгилни тўлдириб,
Э яшириб нима қилдим,
сизу биздайларни ўлдириб,
Тамарахоним шу ерда.
Юлдузларга рўё бўлиб,
нози — булбулигиё бўлиб,
тутқич бермас зиё бўлиб,
Мукаррамхоним шу ерда...

5

Қовуннинг пўчоғи ерга тушгани қачон эди!..
Кечалари совуқнинг исси келар,
ойнинг нурларига осилиб
тушиб келади шудринг...
Тўлган ойни болиш қилиб мизрий кетди
алла айта-айта
қоракўз сунбулани ухлатиб бўлган шаббода:
боғлар ичра гарқ пишган мевалар лекин,
тириклик арқоғин эшаётир...
Бақалар қуриллади:
сувнинг қушуйқу тушларига
ернинг серқайғу тушларини улади...

сув ёқасида
соч тараётир пари...

Сув париси бир пасда
Холидахон бўлди-қолди...

Ўлган илонлар қўзғолди...

Холидахоннинг онаси ўша куни
косадаги сутга
қизининг сутини соғдирибди...
«Никоҳ қиймайди иккингиизга энди.
Сиз — қиз олмаган йигитсиз, болам,
исподдан баланд юринг...»

Куйиб кўмир бўлди ёш жопи,
куйиб кўмир бўлди кўзи...
Ит теккан қозонни
қатрон қилса, тоза бўлар,
умр бўйи қатрон қилса,
поклашмасдай ўзи...
Эсига тушди беихтиёр
куёв остонасидан ҳатлар-ҳатламас
келинчакни печун
ўт айлантиришлари...
Ўт келинчакни поклайди, ахир...

Оҳ,
бокира қизни ҳам
ўт айлантириб покламаса,
келин қилмайдиган онаизор...
«Бу ҳали бўз бола...
Қизнинг қизил кўйлагидан бошқаси
кўзига кўринмайди бугун;
кейин, кўзи очилгач,
юрагининг бошида дард
илолдай кучала бўлиб олар, дебди-да,
йигит гурурининг гамин ебли-да...»

Юрагини шудринлар
ювиб кетгандек ҳозир...

Азонда туриб,
этик кияман деса,
этик кўнжидан ўтмайди бўрбойи...
Зўриқиб, шишиб кетибди оёғи
то тўпигигадавир...
Билмабди: деви борми, астафирилло...

6

Сув очилди!
Йўрғалаб келаверди

хурсанд, бӯтана сув тулпори
ёллари тўзиб.

Ўйноқларди —
осмонга отарди ўзини,
офтоб қамаштириб кўзини.
Кишнашларида
кўклам қайсарлиги бордай,
реза-реза соғини ёшларида
ёз камоли виқордай,
Юлдуз мажнунтоллари
қошида нозланиб ёрдай,
кундуз силаган ёллари
оқ нурдай ё чилладаги қордай.

Бир оқ бўз отки,
тараққос бойлаб келади,
Кузнинг беадоғ карвонин
тўйлаб келади...

Сувга отди ўзини!
Асов, яйдов оқ бўз отга
йўлбарсдай ташланди-минди,
кўз ўнгида ёруғ олам
нозланди энди:
икки қулоқ ғўзалар
яшил ипак кийгани,
шу жавонмард баҳорга
юрагининг ийгани...
Жонидир оқ бўз отга
амримаъруф чавандоз:
силтаб қамчи чотганда,
ёзилар қўлтиқдаги
тахлам-тахлам қаноти,
қоинотни қамрайди
туёқлар гулдуриси
амал олган нур рози...

Отга минди — муродга минди,
Оқ бўз отнинг тошмоқда ёли.
Сув париси сирли кулдию,
олма отди унга иболи...

Бахт қуюндок чинқириб келиб,
 Бағрига бир босдию маҳнам,
 Ива ўша чинқирган кўйи
 Кетди — кўани очиб юмгунча.
 У эсини йиғди бир маҳал,
 У эсини йиғдию кўрди;
 Офтоб вақти тўқар да, бирдай
 Ирқиратар умид жилдири...

* * *

Ўрикларнинг довуччаси —
 довучча умидларнинг довуччаси
тўла тонг.
 Кўкка учиб чиқди саҳарчи сўфитўрғай.
 Тумнуғида келтирди офтобни,
 офтобга пахтадай ёйди кундузни.

Буни кўриб
 мўлтиллади бир айби бордек-
 бола эмизиб ўтирган
 аёлга назари тушганда,
 илк марта, беихтиёр
 кўкраги ийган келинчак-
 барг ёзгану ҳали гулламаган
 жийданинг кўзи...

АЛАНГА

Луғумбекка бордим, Ильични кўрган
Хадича аяни этдим эйбрат.¹
Йиллар, арқоғини Инқилоб ўрган
Умр гиламини қилмабди горат.
Унга боққан доҳий меҳрига қонар
Ва сезар (бир ларза ёйилар танга):
Юрагида тинмай гувиллаб ёнар
Ленин кўзларидан ўтган аланга.

¹ 1921 йил 16 июль куни Шарқ хотин-қизлари делегацияси аъзоси сифатида андижонлик Хадича ая Исмоилова ҳам доҳиймиз Владимир Ильич Ленин билан бўлган учрашувда иштирок этган эди.

ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ

У
кўклам ҳиди гуширдими —
бейхатиёр кулаверар одамлар,
кўклам ҳиди гуширдими-
гуллайверган каби бодомлар...
Аmmo
яхши тўю
ёмон ава ҳам бор.

У
таъзияга келдими,
бейхатиёр кулаверар одамлар,
чиллада тушган қор
ҳали эриб кетмаганин унутиб,
гуллайверган каби бодомлар.

... Бир қарорга келди аҳли юрт.
Юрт номидан дуога
қўл очдию устаси:
— Юсуфжонга, — деди, — оқ фотиҳа берай:
таъзияга ҳеч гузари тушмасин,
ҳам азага ҳеч назари тушмасин,
тўю томошага туққан буни онаси!

У
тўйхона эшигидан кирдими,
қаҳ-қаҳ уриб кулаверсин одамлар,
кўклам ҳиди гуширдими
гуллайверган каби бодомлар...

БИЛМАЙМАН, ҚАЙДАДИР

(Эмиль Верхаридан)

Бу — қайдадир шимолда, билмайман, зеро,
Бу — қайдадир қутбда, пўлат очунда,
Муз-кошин, шўр чатнатмиш қоялар аро
Буюқ қутурар тирнаб, юмдалаб унда.

Бу — зўр қаҳратон, бежо кўлларнинг тиниқ
Биллурий кўзгусида аксланар хира;
Бу — қиров, тарашлайди бебарг, еркиндик
Қарағайзорни мижжа қоқмайин сира.

Бу — тун ярми, қоқ сўхта сумбатми инди
Биллурий кўзгусига бежон кўлларнинг.
Бу — тун ярми, ёзғирар, йўнар, қаҳ-қаҳлар,
Аёз ва кавкабистон кенгликни жаҳд-ла
Кериб ташламоқчи довкор қўллари.

Бир билгисиз кенгликда оғган пайти тун
Бу — қўнғироқ, сўнмишдир жаранги бутун.
Бу — бутхона, муз-қордан саришта, сарин.
Бу — дафн полалари, — ичдан йиғлайман мен
ҳам,

Ҳазрат Буюққа ибодати пўлат оламин.
Бу — қайдадир шимолий кўҳна юртдами?

Билмам!

Бу — қайдадир шимолий кўҳна қалбдами?

Маним!

ЯПОН БАЛИҚЧИСИ

(Нозим Ҳикматдан)

Денгизда булутлардан ажал топган
Япон балиқчиси ёш одам эди.
Дўстларидан тингладим бу қўшиқни,
Атрофда сап-сарик бир оқшом эди.
«Балиқ тутдик — еган ўлар.
Ёнимизга келган — ўлар.
Бу кема бир қора тобут,
Оёқ босиб кирган — ўлар.
Балиқ тутдик, еган ўлар,
Бирдан эмас, кун ўтгандан —
Чириб, оқади бадан.
Балиқ тутдик — еган ўлар.
Ёнимизга келган — ўлар,
Шўр сув, қуёш пешлаган,
Бу вафоли, бу меҳнаткаш
Қўлимизга теккан — ўлар.
Бодом кўзлим, мени унут,
Бу кема — қора бир тобут,
Оёқ босиб кирган — ўлар,
Устимиздан ўтди булут.
Бодом кўзлим, мени унут,
Бўйнимга чирмашма, гулим.
Мендан сенга келар ўлим.
Бодом кўзлим, мени унут.
Бу кема — бир қора тобут.
Бодом кўзлим, мени унут.
Палағда тухумдай ириган —
Мендан гумона бола.
Бу кема — бир қора тобут,
Бу денгиз — ўлик бир денгиз.
Инсонлар, эй, қаердасиз?»

АСҲОБИ КАҲФ БЎЛМАНГ, ҲАЕТ

(Орол денгизи йиғи-наъраси)

— Кўз ўнгингда жон талашиб ётибман,
Мен кун эдим, айна чошгоҳ ботибман,
Мен ой эдим, шамдай ўчиб қотибман,
Уял, Шамол, кўзларингни сузгани,
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?»

Пишган тутдай осмон тўла юлдузлар,
Қизилгулдай сўла-сўла юлдузлар,
Тўкилади чўллай-чўллай юлдузлар,
Ипаги йўқ маржонини тизгани:
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?»

Бу қайдан чиққан ўт — жонга туташди,
Денгиз эдим, бўлдим балонинг дашти,
Мени излаб сизди сабонинг шашти,
Мажол борми тўлқин уриб ўзгани:
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?»

Денгизманми, балиқларим прийди,
Туз аро гарқ кемаларим чирийди,
Азроилнинг тош кўнгли менга ийди,
Кўз ёш қани миждаларга сизгани:
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?!»

Қарчиғайдай ёри борлар, қайдасиз,
Ғафлат босган номус-орлар, қайдасиз,
«Кел!» деганда ўру қиру сойдасиз,
Эрлар қайда, завол йўлин тўсгани:
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?!»

Ким у йиғлар манглайининг шўридан,
Ким у — тутаб бир дод қўпди гўридан,
Тинч ётолмай Фарҳод қўпди гўридан,
Аму, Сир йўқ қулоч ёзиб сузгани:
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?!»

Сизга Она эдим, эмасдим қарол,
Эмасдим ё сизга тортгулик марол...
«Бор эди, йўқ эди, бор эди Орол»,
Деб келажак кўнгилларин бузгани,
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?!»

Наҳот, бугун жувоимарг бўларман мен,
Элу халқ ўлса агар, ўларман мен,
Адолат тўлса агар, тўларман мен,
Бўй бермасман қизгалдоқдай тўзгани:
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?!»

Илигим тўқ, қилтомоқ бўлгим келмас,
Сояси бор бир гулман — сўлгим келмас,
Кўкрагимга сут келар — ўлгим келмас,
Ҳаёт ширин — умидимни узгани,
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?!»

Асҳоби қаҳф бўлманг, Ҳаёт, билманг ҳад,
Асҳоби қаҳф бўлманг, Ақл, Адолат,
Дилнинг қонли йўлларидан чекил, бад,
Мен ваҳийман Олам аслин тузгани:
«Оҳ, Ўлим, қайга борарсан бузгани,
Гулни қўйиб, гунчасини узгани?!»

ОРОЛ ПАЙМОНАСИ

Дақюнусни кўрган ой бу,
Кирик қоқмай синчков боқар.
Қобогида музлаб уйқу,
Булдуриқдай юлдуз ёғар...
Томиримда кўпирган қон,
Ич-ичимда қўпган денгиз
Мижжа қоқтирмайди бир он,
Маст туядай чўкмайди тиз...
Пилладан чувалган ипак
Йилтирар Сир суви ювош,
Элакдан ўтмаган кепак-
Дарё четида сариқ тош.
Оролга етиб бормас Сир,
Жон талашиб ётар Орол.
Босиб келар сахро. Қисир-
Булутларни кўру сўр ҳол...

Қумлар тўлқинин тўсгудай
Тортар биров ногоҳ ёҳу.
Йиғлар Сир юртни бузгудай,
Оёқ-қўли боғлиқ оҳу:
— Ёруғ дунё бўйлаб чопдим,
Туну кундан топдим маъни.
Бўйимга тенг бўйни топдим,
Кўнглимга тенг кўнгил қани?
Ҳар бир юлдуз — бир тилисм,
Бир тилисм — ҳар бир япроқ.
Бўйимга тенг бўй... хок бир қисм,
Кўнглимга тенг кўнгил... тупроқ.
Бу тупроқким, денгизларни,
Дарёларни туғар эна.
У туғар она қизларни,
Боғларни туғади яна.
Унару унинг қўйнида
Дона буғдой бўлар пайкал.
Гўдак қўллари бўйнида,
Бўйнида қуёшдан ҳайкал.
Киндигимдан тўкилган қон
Лола бўлмиш... кўзи қийғоч.
Тўқайим йўқ, қурса ошён
Сувимни ичган қалдирғоч.

Денгизимдан узоқларда
Қандай газна қилай бунёд?
Қаҳ-қаҳа, зафар, оҳларда
Мен бугдойдай ўсдирдим ёд.
Бу шундай ёд — инсоний ёд,
Эрта ақли унар тупроқ.
Гўрўғлидан қолмаган зот
У тўфайли бўлур бир боғ.
У боғ теграси чинорлар,
У боғга дарёдан баҳра.
Юрагининг ёли борлар
У боғ болни этмас какра.
Орқамда қолсин тошқиним,
Орқамда қолсин офтоб,
Беҳол мавжларим, шошқиним,
Кўзимни тарк айлаган хоб.

Сен орқамда қолар сирсан,
Инсон, пусма минг йил кейин,
Зулмат ичра йитар нурсан,
Қарғар сени минг дил кейин,
Тобутингга бўлиб чега,
Куяр ўғлинг, қизинг бўлиб.
Орингга муносиб эга
Наслинг келар изинг бўлиб,
Қолмаса Сир кўпиртиб ёл,
Қолмаса гар Амударё,
Қолмаса гар тўлиб Орол,
Сенга хайф... ёр чеккан фарёд...

Қайтган каби бир акс-садо,
Тортар биров ногоҳ ёҳу.
Оҳ чекар Амудек адо,
Оёқ-қўли боғлиқ оҳу:
— Не умр у орқасида
Дарёлар оқиб қолмаса?
Не умр у орқасида
Денгизлар наъра солмаса?
Не умр у орқасида
Қолмас бўлса обиҳаёт?
Сабзадай гўдак исидан
Куч олмас бўлса зўр баёт?..
Дейсану: «Табиат-Она»,
Қилурсан золимнинг ишин.
Баҳору ёз тўкди шона,
Қориштирдинг йил куз, қишин.
Сен қандайин бир нодонсан,
Қирқдинг ўзинг турган шохни.

Егин аро қолган донсан,
Ораулама кўклар чоғни.
Табиат шоҳиман, дема,
Эмизикли гўдагимсан.
Ҳаётнинг гамини емас,
«Қорним» деган қўш жағимсан.

Сут тирқираб келган сийнам
Тишлаб уздинг, қонхўр бола,
Ўзинг абгор мени қийнаб,
Бахтинг буздинг, қонхўр бола.
Кўнгилга эмас, қурсоққа
Изини берган манқурт ўзинг.
Кун айланиб бўғирсоққа,
Ўт олиб ёнган юрт ўзинг...

Узилди Аму фарёди —
Ҳаётга сиғинган фарёд.
Тўлқинлар саҳрога ботиб,
Ёйилди жаҳонга бир дод,
Бу, ёз ёмғиридай ёҳу
Сайёд инсоннинг домидан
Қочаётган Она Оҳу
Орол умрининг шомидай:
— Кўзим тиригида йиғлай,
Йиғи берайин ўзимга,
Семирган эдим, ориғлай,
Дўст демай кўзим кўзимга...
Ўнг қўлим йиллаб қурганин,
Чап қўлим бузар бир кунда.
Сув йўлин қумга бурганнинг
Бошига қарғишим — кунда.
Кўзим тиригида йиғлай,
Йиғи берайин ўзимга,
Йиғи бераю дил тиғлай
Не-не қуралай кўзимга.
Болаларим, туққанларим,
Эсдами сут берганларим,
Жонни жонга суққанларим,
Эсдами қут берганларим?
Денгизлик сиёғим қани,
Тирик кемалар гўриман.
Оқчарлоқ, қиёғим қани,
Ажал мизғиган сўриман.
Чарақлаган моҳтоб билан
Сўйлашгудай тилим қани?
Ярақлаган Офтоб билан
Бўйлашгудай дилим қани?

Жайхун қани, Сайхун қани,
 Қани тошар дали дарё?
 Бир мард — сўроқлар хун қани?
 Қани арслон ёлли дунё?
 Қани мен — аввалги Орол?
 Асҳоби каҳф бўлдикми ё?
 Бу не ҳол? Бу не ҳол? Не ҳол?
 Кўз ёшдек қури, Сурайё:
 Тўкилди дунёнинг ёли.
 Оби ҳаёт кўзи басир.
 Қуриди умиднинг толи.
 Оқава бўлди Аму, Сир.
 Қучогимда жонсиа балиқ,
 Оқиб тушган ойқулоғи...
 Боласин чиритса, ҳолиқ,
 Қурисин она қурсоғи!..
 Бор жонлиқ қўйнида ўлди,
 Дарёдан дарё қолмади.
 Замин ҳам гиёҳванд бўлди,
 Дунёдан дунё қолмади.
 Қуни учун кул сочганлар
 Қум сочди юртнинг кўзига.
 Тухум эмас, пул очганлар
 Чанг солди халқнинг юзига.
 Юзингда кўзинг демади,
 Ростликни қилди сазойи.
 Зўр — улар тушган кемадир,
 Зар эди кўкдаги ойи.
 Диёнатга этмай эшлик,
 Хиёнатни суртди кўзга.
 Ҳам тарлик қилди, ҳам пешлик,
 Тўлдирди кўксин Юлдузга.
 Гаҳ деса кафтига қўнмай,
 Ким қилса ҳақгўйлик, ўрлик,
 Ўрдирди — эккани унмай,
 Енг ичида кулди зўрлик.
 Пахтадан ясади оллоҳ,
 Бу оллоҳга қурбон не жон.
 У учун, замин чекса оҳ,
 На айилу на қуюшқон...
 Етди қанчанинг бошига
 Зўрлик деб йиғласам бўлар,
 Оғу қотди ўз ошига
 Кўрлик деб йиғласам бўлар.
 Йиғласам бўлар қадримга,
 Қалқмадим печун оёққа?
 Жилов бериб қўйдим кимга,
 Кўзларим қолди қаёқда?

Қуриб борарим рост кўриб,
Жим турди шерларим нега?
Не учун умримни қўриб,
Дардимга чиқмади эга?
Ақлини моғор босганми,
Созганми ўргимчак уя,
Инсофин дорга осганми,
Виждонин еганми куя?
Шу дардларим агар Сизни
Гўрўғлини туққан гўрдай-
Тугмаса; унутинг бизни:
Унутинг манглайда шўрдай,
Ва сайёд инсон домидан
Қочаётган Опа Оҳу —
Мен, Орол умри шомидан
Едгор бўлсин ушбу ёҳу...
Гўрўғли ўлгани каби
Аму ҳам ўлмоқда, билинг.
Ғиркўк сўйилгани каби
Сир ҳам сўйилмоқда, билинг.
Бўлганидек Чамбил ғойиб
Билинг, Орол ғойиб бўлар,
Ўрта Оснё соч ёйиб
Паймонаси бевақт тўлар.

... Дақюнусни кўрган ой бу,
Қирик қоқмай синчков боқар.
Қобогиди музлаб уйқу,
Булдуриқдай юлдуз ёғар...
Томиримда кўпирган қон,
Ич-ичимда қўшган денгиз
Мижа қоқтирмайди бир он,
Маст туядай чўкмайди тиз...

Эшматвой қараса,
 Тошматвой ўғли —
 Пахлавон бўлгудай сиёғи
 «Бўш қоп тик турарми,-
 деди ота боёқиш,-
 етти хазинанинг бири эмас,
 етти хазинанинг бари-
 зўрнинг
 оёғи остида...
 То шунгача
 етти хазинанинг бирини
 бир қулоқ сувдек билиб,
 навниҳолим ризқининг пайкалига
 бурай...»
 Икки юзта товуқни
 боқиб қўйди сердон қилиб...
 Ҳар наҳор
 биттадан тухум илитиб ютди
 бир ҳафта
 пахлавон ўғил.
 Ҳар наҳор
 иккитадан тухум илитиб ютди
 иккинчи ҳафта
 пахлавон ўғил.
 Ҳафта сайин оша борди
 илитма тухум салмоғи
 Ҳар наҳор
 қирқтадан тухум илитиб ютди
 қирқинчи ҳафта
 пахлавон ўғил...
 Кўпиб
 тоғорасидан тошган
 хамирдай
 ўйнаб чиқди тирилик
 мускуллари,
 от белига шундай қўйса қўлини,
 қорни билан ерга қанишар
 жонивор...
 Бундан ортиқ бўлмас полвонлик ҳадди.
 Тошматвой
 тухум ютиш машқин тўхтатди.

Лекин нечук...
ишининг ҳавосини олгунча,
ёши борар жойига бориб,
саргарошининг қўли бўлар қалтироқ...

Лекин нечук...
тувини адоғлатиб, енгай деганда,
офтоб ёруғидан ўчади чироқ...

Лекин нечук...
Алномини-ла беллашайини деганда,
Манасга ҳам бас келайини деганда,
иккисини ҳайдаб пойи шёда
ўа ҳукмин юргизиб ҳаддан зиёда,
уларни эл ичра қилиб сазойи,
пойгакдан нарида кўрсатиб жойини
ўтмишининг эсини киритиб юрган,
бугуннинг жонини киритиб турган,
бир кўз, темир тирноқ «олим» қўлига
фаини қурол қилган золим қўлига
тошширмақчи эди, бўлмади, афеус,
гар ёз шиширмаса, пени йиғар куз...

Лекин нечук...
қирқ биринчи ҳафта, биринчи кун, паҳордан
кейин

бир балага учради бацогоҳ
қирқ ҳафтада етилган паҳлавон.
Шунча бўлмас безгак хуружи.
Шунча бўлмас зилзила.
Аъзон бадаини титроқ ичида,
зўрлиги бандидир бир оҳ ичида,
Ерданми, Кўкданми бу сир... Ногоҳ
қирқ ҳафтада етилган паҳлавон...

Эшматвой қараса,
Тошматвой ўғли —
жувонмарг бўлгудай сиёғи,
бир шёла чойини эплаб ичолмас,
қўллари қалтирар,
қалтирар жағи...
Бир ҳаким бор эди
шундай беназир:
«хўжайини»и ройишига қараб туриб,
бармоқларини йиғса,
кафти ичра йўқ бўларди Луқмони ҳаким.
янги «хўжайини»и сўз, ишига яраб туриб,
бармоқларини ёзса,
нақ кафтида тик турарди Луқмони ҳаким...
Ота боёқини
боёқини ўғлини етаклаб,

қора тортиб борди ўша ҳақимга.

Ул донишманд
чимирилиб боқдию синчков,
томирин ҳам кўрмади,
сардафтарин сўрмади,
индамай

тапша-тахт нарвондан
зиналарни бирма-бир босиб
чиқиб борди томгача,
зиналарни бирма-бир босиб,
тушиб келди ергача.

— Энди, — деди, — сизларга рухсат...
— Ҳақим ҳазратлари, — деди Эшматвой, —
бизга

сирни очмасангиз бўлмас,
гапнинг пўскалласини
қозоқнинг тўққиз пулидай қилиб
кўзимизга кўрсатмасангиз,
кўнглимиз тўлмас...

Мийиғида кулди
ақли симоб сингари
тутқич бермас донишманд,
унинг пандига
очилардай эди шу лаҳза
дарёларга қурилган ҳар банд:

— Ақл бўлмаган жойда,
ақл тўлмаган жойда
полвонлик амал қилмас
юрак кулмаган жойда...

Илитма тухум билан,
баданга зуғум билан
ёби тулпор бўлмайди
тўрт туёғу дум билан.
Кўрар кўзингиз қийнаб,
Йўқ, йўқ, ўзингиз қийнаб,
зўрлик қилибсиз жонга,
зўрлик қилибсиз... не наф?

Биларсиз, эски нақл:
ўтники ўтга кетди,
сувники сувга кетди,
қолди қатиқнинг юқи...

Менинг уйимдан чиқиб,
ҳовлингизга борасиз,
кибрнинг тимин йиқиб,
янғидан лой қорасиз...

Бу деганим, бир ҳафта
ҳар наҳорда қирқтадан

тухум ютсин, албатта,
бу олп...ки, кўпгап бадап.
Сўнг эса, қилсин гумдон
ўттиз тўққиз тухумни
ўт ёқилган бу хумдон
тоблаб шиширсин хумни.
Кўрдингиз, мен парвондан
чиқдим зинама-зина
сакрамай баланд томдан
тушдим зинама-зина...
Қирқ пиллапоядан сиз
кўтарилиб чўққизга
ўзингизни отибсиз
гўё ажал ўқизга.
Ақлни ёқинг кундай,
«қирқ»қа қандай отибсиз
«бир»га ҳам отинг шуидай,
машқу сабр этиб сиз...

Қирқ зинали нафс парвонидан
тушаверди бирма-бир
Тошматвой полвон.
Биринчи ҳафта
ҳар наҳор
қирқта,
иккинчи ҳафта
ҳар наҳор
ўттиз тўққизта...
Ҳирқинчи ҳафта
ҳар наҳор
биттадан тухумни
ютди илтиб,
ўзига келиб қолди
қалтироқлари битиб...
Наҳот, билмас эди у:
Бир парча этни
улғайтириб,
полвон қиладиган ҳам,
элга дил қиладиган ҳам
эътиқод бўлур...
Эътиқоди бор эди
Гўрўгли
ўзига пайдо қилди
учиш учун қанотни,
юрак қўри, кўзин пури,
ақлининг зўри билан
яратди Ғиркўкдай отни;
қирқталаб тухумни илтиб ютгани йўқ,

Эътиқоди
мустақкам элда
бир майизни бўлиб ейди қирқ киши,
эътиқодин еб қўйган оғизнинг
қирқталаб тухумни ютмоқ бўлар
ҳар наҳор иши.

Эй укам, ҳали ёшсиз,
кулсангиз уриб қаҳ-қаҳ,
ярқирайди оғзингизда
тиғи паррон сингари
ўттиз икки тиш.
Йўлингизда учраса
ҳар наҳор қирқталаб тухум,
ютаверманг бирин-кетин илтиб;
бунинг ўрнига,
уларни қайтариб қўйинг
қоқоқлаб жигарбандларин ахтараётган
курк товуқнинг
қапотлари остига...

Тухумини
ёриб чиққан қирқ жўжа
қирқта товуқ бўлсин,
серпушт бўлсин
болаларингиз ризқига...
Мабодо,
тайёр қирқта тухумни кўрганда
эсингизга тушмаса булар,
ёдингизга олинг
ўзингизни зўрлаб бўлса ҳам
ғафлат босган Тошматвойни
абгору сазойи қилган
зиналар ҳикматини,
ҳикмат зиналарини...

Эшматвойнинг ўғли —
 Тошматвой
 ҳардамхаёл
 полвонликдан совуди кўнгли...
 «Бир қўлида «казбек» тутайди,
 бир қўлида бугланар кўк чой...
 чекади,
 чой ичадию
 бир иш бошини тутолмайди ҳануз,
 ҳавойи ўйлар остонасидан
 ҳатлаб ўтолмайди ҳануз...

Дўпписини ерга қўйиб ўйлаб ўлтириб,
 кўзлари йўл кўрди узоқ...
 кейин,
 кўзининг қири билан
 имо қилди ўғлига:
 — Токайгача чанг босиб ётар...
 Токчадаги чўтни ол...

Қаршисига чўккалатиб
 ўлтирғизди ўғлини.
 — Кўча чангитиб чарчамадингми?
 Сенинг ёшингда менинг
 полвон деган овозам
 кетган эди етти иқлимга,
 ўзим
 талош эдим қизлар тушида...
 Бугундан бу ёғига гап мундоқ...
 Ҳозир туриб Қўқон борамиз
 (Суриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг битта тошини);
 бир қанор қошга сиққудай
 оқ жўхори оламиз
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 экамиз жийда гули ғаслида
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 меҳнатни тўкамиз обдон
 (уриб чап томонга ўтказди

чўтнинг яна битта тошини);
 бош тортади оқ жўхорилар,
 шунда сен бўлгин эҳтиёт
 қайсидир кавакка пусиб,
 бутифосдан омон қолган
 яккам-дуккам чумчуқлар,
 қораялоқлардан
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 айни сунбула чоғи
 оқ жўхори бошларин
 тўкмай-сўкмай қайирамиз
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 донларини авайлаб
 чоридан қоқамиз-айирамиз
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 очилдастурхондай бўлиб,
 ҳар бош
 фалон кило оқ жўхорини
 айлайдию муҳайё,
 ҳар дона айланади
 бир бош оқжўхорига
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 ҳар бош оқжўхори бўлар
 минг бош оқжўхори
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 жами:
 фалон тонна оқ жўхорини
 олиб чиқиб сотамиз
 Қўқонингнинг бозорида
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 гўжа ичаман деган харидор
 ини бузилган аридай
 устимизга келар ёпирилиб
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 килосини фалон сўмдан
 пуллаймиз
 дўппини қилиб чамбарак,
 (уриб чап томонга ўтказди
 чўтнинг яна битта тошини);
 фалон тоннанинг чақаси
 бўлар мана мунча минг

(уриб чап томонга ўтказди
чўтнинг яна битта тошини);
қолган шунча тошнани
уйимиз остонасигача
поёндоз солиб келиб,
минг ялиниб ўзи олиб кетар
Чорсудаги
«Соғ қолмасангиз, биз кафил»
кооперативи гўжафурунлари...
(уриб чап томонга ўтказди
чўтнинг яна битта тошини);
Хўш,
то шунгача бўлди даромад
энди бу ёғига —
буромад...
(Чўт тошларин жой-жойига қайтариб,
келтирди тугма ҳолига.)
Сигир — уйнинг қассоби.
Бир бош соғин сигир оламиз
(уриб чап томонга ўтказди
чўтнинг яна битта тошини);
кечқурунлар чироқлари ялтиллаб
айланишин яхши кўраман,
пулини нақд санаб бериб,
сотиб олиб ўрнатамиз
ҳовлимизга карусель —
иккала уканг
бир ўйнасин мириқиб
(уриб чап томонга ўтказди
чўтнинг яна битта тошини);
энди шуки гапнинг ўғил боласи:
бели синмаган,
тахи бузилмаган эллик мингга
жиловлаб келтирамиз
мойи артилмаган бир «Газ-24»...
(қаттиқ уриб чап томонга ўтказди
чўтнинг яна битта тошини);
«янгисини
қайдан оламиз» дейсанми...
Э, пулим кўпансор бўлиб
инидан топиб чиқар...
Ҳайдашни ўрганасан сен.
Улоқчи отни совутгандек
совутиш керак машинани ҳам.
«Қайдан биласиз», дейсанми...
Отанг гапирганда,
сўз қўшмай, хап ўтир:
қўй кўрмаган бўлсак-да,

кўрганмиз қўй қирини...
Отамиз улоқчи ўтган.

Биринчи куни
Қуммаҳаллагача бориб,
қайтасан аста;
уқдингми?

— Хўп, дада.

— Иккинчи куни

Мусақул бувангнинг уйига бориб.
ўша ердан қайтарасан,
дарвозасининг олди кенг,
буришга ўнгай...

— Хўп, дада.

— Учинчи куни

Чилгижнийдагача борасан...

— Йўқ, дада,

ундан сал наридаги Эски қишлоқда
Исақулда ишим бор,
бирров кириб чиқа қоламан...

— Ҳе, бетамиз, — деди Тошматвой.

Буздинг

сой устига қурган иморатим...

Бунақа минишда

чиқади моторнинг абжағи!

Туш машинадан...

Ҳозироқ туш...

— Жон дада, билмай қолдим,

Бир сафар кечиринг...

«Узрининг

гуноҳидан баттарлигини...»

Тошматвой чидаёлмай,

тарсаки тортиб юборди

ўглининг қулоқ-чаккасига:

— Ҳали сепларни деб,

қиш чилласида яхобда,

ёз чилласида офтобда

эзиб юрибманми

жигаримни...

Тур, тур, йўқол,

қоранг кўринмасин

кўзимга...

... Эшматвойнинг ўгли —

Тошматвой

яна ҳардамхаёл:

деҳқончиликдан ҳам совуди кўнгли...

Бир қўлида «казбек» тутайди,

бир қўлида бугланар кўк чой...

1980 ЙИЛ 6 ЯНВАРЬ

... Ўнгимда рўй берди мундоқ мўъжиза,
Зулматдан кундузга айланди ховам,
Бир онда... ўн етти яшар бир қиз-а...
Жон талашиб ётган мунглуғим, онам.
Жони чиқишидан бир умр нари —
Малоҳат ёшига қайтди... Оғир тип
Олди. Пайдо бўлди бир оҳдай нари.
Кун тугдими уни? Ё ой еди шаб?...
Тундек кўзларида офтоб ёруғи.
Пилтадек қошлари ёнади тутаб,
Юзидан нур ёғар, нур аро руҳи.
На манглайда ажин, па қўлда тириш.
Ҳар бармоғи гўё бир қатим нурдай.
Бу нурнинг қатими жонимга ўриш,
Шу, онам жаннатни тарк этган ҳурдай...
Ўлимга рўбарў келмаган эдим,
Унинг жодуларин қайдан ҳам билай.
Ақлдек қушуйқу отамга дедим:
— Дада, акамларга кўнгироқ килай.
Қуюндай чинқириб келган шу бало
Онамдан айланиб ўтди қуюндай...
— Ўтир.— деди отам,— ўтир, эй бола...
Онанг... чимилдиқда кўринган шундай...

Эшитдимми-йўқми ҳамумри сасин...
Онамнинг кўзлари тепага қараб-
Тортила бошлади... Умри кемасин
Тўлқин итқитдими қуруққа қараб?
Ёнган кўйи ботиб бораётир кун.
Бир тақдир бериди — ёйилган тонги.
Узоқлашиб борар, кетолмас бутун,
Нури етган жойдан нари — қоронги...

Денгизларини туққан дарё қуриди,
Онам ўлди, мен бўлдим сағир.
Кўз ёшим бўғзида фарёл қуриди,
Чақмоқ урган тоғдай ёнди бу бағир.

ОҲУ ИЗИДАН¹

I

Бемаза қовуннинг
уруғи мунча кўп?
Бу ёруғ дунёда ёмоннинг
йўриғи мунча кўп?
Қоши қаро, кўзи қаро,
юришлари какликдек
бирор жонон
пули қарчиғайлар соясида,
йил — ўн икки ой гаштини суриб,
кеча демай, кундуз демай
қумлар устига
дунё тургунча турар
«муҳаббат иморатларин» қуриб,
ой қўтонласа
Ойда ёғарин билдими,
кун қўтонласа,
кунда ёғарин билдими,
тонг отгунча кун ботган кечаларда
кўкартирган меҳригиёсини
«ҳароми» деб,
эсар шамолларнинг йўлига
қурбон қилдими...
Аяган кўзга чўп тушмаса,
биёбонда бола на қилур?
Ҳайтовур,
еру кўкни бузгудек бўлиб,
гўдак йиғиси келур...

Бедор қилди кўпларни —
даррандалар,
паррандалар сидирға тунин
чақмоқдек ёритган
бу нола,
ўзи етиб борган тешик қулоққа
сирлар торларини
тақиб ўтган
бу нола.

¹ Бу шеър шоир Мухтор Худойқуловнинг бир масалида-
ги шоқолнинг бола йиғисига ўхшатиб увлаши тасвиридан
илҳомланиб ёзилди — муаллиф.

«Одам еганини
ҳўкна еса,
ёрилиб ўлади,— деди
ороми бузилиб, жойидан қўзғалиб
тўқайда тўнгни. —
Одам қилганини
шайтон қилса,
уялиб ўлади».
«Тўкилмаган ким бор,— деди
бедаана,—
сўкилмаган ким бор...»
Тулки дер:
«Бозордаги ботмон қуйруқ,
тарозига тортган қуйруқ,
бир балоси бўлмаса,
нега шудгорда ётган қуйруқ?!»
Сувсар дер:
«Сувни кўрмай,
этик ечмам...»
Бўри дер:
«Айби шуки,
қорним тўқ эди...»
Хавотир тортиб,
боласини
бағрига босар қаттиқроқ
типратикон:
«Гиргиттонинг бўлай,
юмшогим...»

Юксак чўққиларда
мўмиё ялаб турган Оҳу
(овчи таъқибидан қочаркан,
синган эди оёғи)
бола фарёдини эшитдию,
кўкрагига сиғмай, тошди юраги...

У
оқсоқланиб, ҳаккалаб — ҳушида йўқ
чопар эди беихтиёр
оҳанрабо сари...
Йиғлаётган гўдакнинг
илтижоси
тармашар
«онамнинг бўйними» деб,
шамолларга,
майсаларга,

кундузларга,
кечаларга,
дилларга...
Бу нидо
милдир-милдир эритгудек
тошни ҳам
ёз чилласин офтоби каби.
Бу нидо
қулогига чалиниб,
ингранди
оёғига чормих урилса.
иҳ демаган отлар,
кўкка қараб улиди бесабр
ахтарганин топмай овора
итлар...
Қуруқнинг ўтига
ҳўл куяр, албат.

Оҳу
ўзин ўқдек отиб борар,
ширин жонин сотиб борар
синган оёғига раҳми йўқ,
ошёнида қолган қуралай кўзли
меҳригиёҳ эртасига ваҳми йўқ...

Олам — кўҳна олам...
Унинг томирларин тўлдириб оққан
қонни яшартирар севги, зурриёт.
Бу олам кўзига ою кун боққан,
Бу олам кўзига телмуради ёд.
... Кўзига қоронғу ойнинг ўн беши,
Меҳри созлангандир дутор торича,
Бағрига кўчмаса бола болқини
Оҳу чопаверар умри борича.
Оҳу талпинади,
Оҳу оқсайди.
Туёғидан гард-гард сачрайди ёҳу.
Қутқазмаса, ўзин ич-етин ейди.
Қутқазмаса, сути бўлади оғу.
«Тикилса, қуриру дарёнинг гуми,
Оҳ урса, қулару қалъанинг тими»,
Билмас: туяқорин сингари уни
Саргардон этмоқда фириб тилсими.

II

Бўри
қўшнисига ёмон сиғинмас.

Очлик эса бўридан ёмон.
Неча кунки,
арлони бўри
ичи яланар,
ови
бароридан келмай,
ўзини қўйгани жой тополмас,
кечалари гингшийд
ғужанак бўлиб,
кучала еган итдан ҳам баттар.
Ничогинг ёг устида бўлса ҳам,
кесмайди
ёгга
ничоқни босмасанг...
Қилқўприкдан ўтмасанг,
сенга қаёқда жаннат...
Шоқол
сиртига чиқармасу
ичидаги қувончни,
ҳаяжондан
тизлари титрар:
келди
унга ҳам
ой бўлиб болқадиган вақт,
ҳукмдорнинг кўзига
вафо ёшлари пла
қалқадиган вақт,
келди
унга ҳам
кўзга кўринар пайти...

III

У
оч арлони бўри
пойига бош уриб,
дедики:
— Азиз тишларингиз ҳиммати
не жонивор кўксин тоғ этмиш,
айрилиқнинг қалин чиммати
улар кўз ўнгини беркитмиш...
— «Худой», «худой», деб абдирайберма,—
деди арлони бўри,-
«берди»сини ҳам айт...
— Хўп, хўжайин,-
деди шоқол етти букилиб,—
аввал оҳу келсинми,
ёки эшак келсинми

ҳузури олийингизга
ўз оёғи билан
ризқ-рўз бўлгали...

— Тушлигимга

оҳу
ўз оёғи билан чошиб келса,
манглайингни силардим сенинг,
ўнг қўлим, деб, билардим сени...
— Бир илтимос,—
деди шоқол жилпанглаб,—
шамол йўлидан бери силжиб,
манов панада олсангиз ҳордиқ...

Шундай дедию
увлай бошлади у,
бола йиғисига ўхшар эди увлаши...

IV

Оҳу
чошиб ўтган йўлларда
ундию меҳригиёҳ,
унинг бўйларини
олам бўйлаб таратди
Шамол...
Чақасини илон еб,
кўксин захга бериб
ётган какликлар
додлаб кўкка кўтарилди
чарх уриб,
Оҳу изидан...
Меҳр қанот ёйди олам устида.
Меҳр тафтини туюб,
офтоб каби кулиб чиқди
куртаклар
дарахт ичидаги
зимистондан.
Гул бўлиб сочилиб
эргашдилар улар ҳам
Оҳу изидан.
Меҳр қанот ёйди олам устида.
Меҳр тафтини сезиб елкасида
йўлларини илкис буриб,
югурди Сувлар
Оҳу изидан.

Оҳу нздан...

Оҳу нздан...
Нечун бирдан дармон кетди
унинг тизидан...

...Тортган азоблари жон ичидан -
елиб бораётган

Оҳу
тўхтади сирғалиб бориб:
энг аввал...
юрагини еди
армони бўри
унинг кўксини ёриб...

Четга чиқдию шоқол,
тинди бир-икки бор ушлаб-
бола кулгусига ўхшар эди кулгуси...

Айланган ериши ёндириб:
«Ўв, фириб...-
деди Шамол.— Али қиличчи
излаб келибмиди бўйнига?
Илон бўлиб чиқди
тасбеҳ деб солгани
қўйнига...
Нега осмон келиб ерга қашишмас
бу риёни кўриб... риёни кўриб?
Нега замин кўкка бориб ёшишмас
Она кўпгидаги зиёни кўриб?..»

«Ўв, фириб...-
деди Сувлар.— Олам
кўзининг ўнгида
бедодлик қилмоқ шунчалар...

Қорин тўяр, шармандалик қолади...»

V

Қорин тўяр, шармандалик қолади.
Қолади
Оҳу
чақнаб ўтганида
ҳаётнинг кўзи бўлиб,
қўйнида ёқачок-
очилган гунчалар...
Умид йўлларида сочилган кунчалар...

Афанди ўша куни бўш эди,
Айланиб бозор бориб қолди-да:
«Нархини сўраб кўрай, кел», — деди,
Тўтхади чиптакавуш олдида.
Бир пойин оёғига илдию
Ўша он кўтарилиб кетгандай,
Нақ қанот чиқаргандай бўлди у,
Боши ҳам осмонларга етгандай...
Кичрайди кўз ўнгида одамлар:
Ўрмалар улар гўё чумоли.
Қаерда ларза солган қадамлар?
Тарқади кўнглидаги гумони.
Васваса қилди уни сарсари,
Қўл силкишга етди аммо зўр ақли:
— Мен учиб кетмоқдаман кўк сари,
Хайр энди, ерда қолган юрт аҳли...

Харидор оёғига бир уриб,
Қайтариб олди косиб бир пойни.
Афанди юмшадию сал туриб,
Сўзланди: «Ҳа, бу ишинг кироийи...»

*«Туи ўрмалар ойнамда секин...»	3
*Қиз	4
*Кўр умри	4
*Дайлатуақадр	5
*Қайга учдинг, булбул	9
*Гуллар армони	10
*«Оташ ичра яхлаб дудоқ ахтарар...»	11
*«Кўк каналак бўлган куртаклар интиқ...»	12
*«...Ситилган ол анор сувидай...»	13
*«Осмонда осмон йўқ...»	14
*«...Ситилган ол анор сувидай...»	14
*Нинсон	15
*«Икки гўза...»	17
Учаётган далалар	18
*Мафкуравий рақибга	20
*«Қантар учар қаноти қайрилиб...»	21
*Мозийдан ҳикоя	22
Дунё	24
Ватан тўғрисида	24
*«Вой, осмоннинг катталигини...»	25
*Бу — мен	25
Шотўра	26
Али Қамбар	28
*Икки дарё	30
*«16 ёшимда...»	34
*Чанглардан чаманлар	35
*«Ҳаё-ҳайт!..»	38
*«Шотўрамда, чорбоғимда бир туп терак бор...»	39
Емгирдан кейинги умр	41
*Ез бўлди	42
*«Рухим иқлимга қарадим...»	43
Марсия	44
*«Васл туни, нилуфарлар ёруғида...»	45
*Висол	45
42-йил. Чилла	45
*«Тулпорининг ёлини...»	46
*«Жавзо, Саҳар...»	46
*«Эй жоноқи олмалар...»	46
*«Сувга суқланар...»	47
Шотўрани эслаганда	47
*«Богда сайр этади расида қизлар...»	48
Деҳқон	49
*«Икки туп марвартак ўсган эди...»	51
*«Богда булбул чаҳ-чаҳлар...»	51
*«Райҳонларни исламак...»	52
*«Ишқинг умри чинор эди...»	53
Тоҳирнинг сўнгги кўшиги	54
*«Бу зулук қошлар — жонимнинг зомини...»	54
*«Бир йиғитнинг гўзал муроди...»	55
*«... Кўнглим ялпиздир»	55
*Тановар	56
*«Бу дам денгиз каби ёлғизман»	57

*«Туй буйи...»	58
*«Уялган бўсадан қўрқар...»	58
*«Туилари ой қўйнимда...»	59
*«Бир мезонининг йўли янглиг...»	60
*«Йўрга отлининг хиргойиси»	61
*Лавҳи ёд	61
*Тилла қанотлар	62
Кумуш тўй муборак	62
*Дон Кихотнинг яроқбардори Санчо Пансо	63
*Куйган ёрлар	63
*«Сиа юрган йўллардан юрдим...»	64
*«Боглар тушди орага...»	65
*«Офтоб — осмонда...»	65
*«Ойдан ёгдингизми?...»	66
*«Ҳаёти пур...»	66
Бог сайли	67
*Дала	69
*«Меҳнат...» — деб йиғлайди...»	71
*«Ери жоним...»	72
*«Бугдойзор ичида...»	74
*Эшмат аканинг қўшиғи	75
*Твичлик ҳақида қўшиқ	76
*«Сўзлар мени мажнун этди...»	77
*«Тирикликнинг қон томирларини...»	77
*«...Биродар»	78
*«Сўзлар...»	78
*«У сунбула дил...»	79
*Бўз ўғлон	79
*«Япроқлар иложки борича...»	80
*Чувалчанглар ҳақида эртақ	80
Гиря	81
*«Сиз билан ялакат ҳаётда...»	84
*Кўклам келди...»	85
*Сийловга берилган дулдулгина от ёки хашаки чавандоз ҳақида нақл	87
*«Мустар қилиб қўйган бўлсам...»	88
*«Ёмғир эса умр дегани...»	89
*«Олма гули пайтида завқлар бўлакча...»	89
*«Умр ҳам чорак аср қорасин олди»	90
*«Мажнунтолнинг эгма новдаларини...»	91
Тўхтасин ёки одамзод феъли	92
Шоир Ҳамза ёди	93
Чавандоз чоргоҳи	94
*«Юрагим ҳаприқди, уйғониб кетдим...»	97
*«Тош отмадим зуғум билан наҳрга»	98
*Эртақдаги оғайни	99
Эзгу бошоқлар билан бирдамлик манзумаси	100
*Нақлга раддия	103
*«Ишқнинг оби тобида»	105
*«Муроду толенинг ёр бўлган фасли»	105
Кўкда учган бўзтўрғай	106
*«Сабо... эсиб бўлдингизми?... Алвидо!»	111
*«Бинафша келтирди...»	111
Тўрт кўз тугал бўлсин	112
*Подшонинг занчалиш ўғли ва қирқ йигит тўғрисидаги нақл	112
Гўрўғли	113
*«Манов жойда қоим чинор...»	113
Наргисга эркаланиш	114
*«Минг офарин, шўх жарчи чилдирмалар»	115

Адоллатой она	116
*«Биламан...»	118
*«— Унга боқсам, ичларим куяр...»	118
*Қадиус тушлар	119
Жамил билан Саврихон	120
*«Жийда гулдан ширин гул буқ...»	124
*«— Сенни қалдуз қилиб ейди умид»	127
*«Тонг отмайди»	127
Бир йигит	128
*«Бахт қушондек чинқариб келиб...»	135
*«Ўрикларнинг довуччаси...»	135
*Аланга	136
*Юсуфжон қизик	137
*Билмайман, қайдадир (Э. Верхаридан)	138
*Кетар вақт (Н. Ҳикматдан)	139
*Япон балиқчиси (Н. Ҳикматдан)	140
*Асҳофи қаҳф бўлмаг, Ҳаёт!	141
*Орол паймонаси	143
*Нарвон	148
*Тарсаки	153
*1980 йил 6 январь	157
*Оҳу изидан	158
*Киройи иш	164

Литературно-художественное издание

Мухаммадали Кушмаков

АЛИ КАМБАР

Стихи



ЛИРИКА

Рецензент Ш. Ризаев

Художник А. Кива

Тошкент, издательства Литературы и искусства им. Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

Мухаммадали Қўшмоқов

АЛИ ҚАМБАР

Шеърлар

Тақризчи Ш. Ризаев

Редактор А. Қутбиддинов

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор М. Абдусаломова

ИБ № 4055

Муқовада рассом А. Кива расмларидан фойдаланилди.

Босмахонага берилди 11.01.89. Босишга рухсат этилди 26.06.89.
Р 02757. Формати 70×84¹/₁₆. Босмахона қоғози №2. Оддий янги гарнитура.
Юқори босма. Шартли босма л. 10.17. Шартли кр. оттиск 10.9. Нашр л. 6,95. Тиражи 10000. Заказ №1198/1046. Баҳоси 1с. 10т. Шартнома 91—88. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида теришиб, 3-босмахонада босилди. Тошкент, 700194, Юнусобод массиви, Муродов кўчаси, 1 уй.



Мухаммадали Қўшмоқов 1948 йили Қўқон яқинидаги Шотўра қишлоғида тугилган. 1970 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Қоратол», (1973 й.) «Емгирдан кейинги умр» (1977 й.) «Гулларим, Сизга...» (1978 й.) шеърий тўпламларининг муаллифи, СССР Ёзувчилар союзи аъзоси.

Мухаммадали Қўшмоқов

